БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 213 (7353). ● 7 ноябрь, 1980 йил ◆ Ж У М А ● Баҳоси 2 тийин.

ЯШАСИН УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 63 ЙИЛЛИГИ!



КРЕМЛДА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС

Совет давлати тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик жарчиси сифатида 63 йил муқаддам вужудга келган эди. XX асрнинг асосий воқеаси — Улуғ Октябрь социалистик революцияси жаҳон тарихининг боришига жуда катта таъсир ўтказмоқда.

Совет халқининг бугунги зафарлари — революция ишининг бевосита давоми, ленинча ғояларнинг амалдаги мужассамидир. Совет кишилари бошқа шонли сана — СССР Конституцияси қунидан кейин ўз миллий байрамини нишонлай туриб Коммунистик партия, унинг ленинчи Марказий Комитети теварагига янада маҳкамроқ жипслашмоқдалар. КПСС XXVI съездига тайёргарлик марксизм-ленинизм ғояларига, Октябрь ишига чексиз садоқатнинг таъсирчан намойишидир. Миллион-миллион совет кишилари бўлажак партия анжуманн шарафига зарбдор меҳнат вахтасида турмоқдалар.

Партиямиз халқ бахт-саодати тўғрисидаги ғамхўрликни ҳамиша бўлганидек ҳозир ҳам бутун амалий иш марказига қўймоқда. «Партия ўз съездини,— деди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил октябрь Пленумида сўзлаган нутқида, — халқ билан чамбарчас бирликда, ички ва ташқи сиёсат соҳасида аниқ ҳаракат программаси билан қутиб олмоқда».

Ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, партия ветеранлари, фан ва маданият арбоблари, министрлик ва идораларнинг раҳбарлари, Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флотининг жангчилари, Москва области меҳнаткашларининг намояндалари 6 ноябрь куни Москвада Кремлнинг Съездлар саройида тўпландилар. Бу ерда халқ депутатлари Москва Совети билан КПСС Москва шаҳар комитетининг Улуғ Октябрнинг 63 йиллигига бағишланган тантанали мажлиси бўлди.

Мажлис аҳли **Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, М. С. Горбачев, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Я. Пельше, М. А. Суслов, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, К. У. Черненко, П. Н. Демичев, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, М. В. Зимянин, К. В. Русаков** ўртоқларни ўринларидан туриб гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар.

Президиумда социалистик Эфиопия муваққат ҳарбий маъмурий кенгашининг раиси, Эфиопия меҳнаткашлари партия ташкилоти комиссиясининг раиси Менгисту Хайле Мариам, Уругвай Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Арисменди, Норвегия Компартиясининг раиси М. Г. Кнутсен, Чили Компартиясининг бош секретари Л. Корвалан, Мадагаскар мустақиллиги конгресси партиясининг бош секретари Ж. Рабесахала ҳам бор эди.

Залда кўпгина чет эллик меҳмонлар, ажнабий дипломатлар ўтирибдилар.

Тантанали мажлисни Москва Совети ижроия комитетининг раиси В. Ф. Промислов очди.

Мажлис қатнашчилари КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонови самимий кутиб олдилар. У «Ленин васиятларига мувофиқ, Октябрь йўлидан» мавзуида доклад қилди.

Доклад зўр эътибор билан тингланди ва давомли қарсаклар билан бир неча бор бўлиниб турди.

Тантанали мажлис тугайди. Зал гумбазлари остида Совет Иттифоқи гимни янграйди.

Сўнгра байрам концерти қўйиб берилди, концерт зўр муваффақият билан ўтди. Унда Коммунистик партия билан совет давлатининг раҳбарлари ҳозир бўлдилар.

Иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида, мамлакатнинг бошқа шаҳарларида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллигига бағишланган тантанали мажлислар бўлиб ўтди.

(ТАСС).

Ҳамид ҒУЛОМ
СССР Давлат мукофотининг лауреати.

ТАЪЗИМ

Байрамга ясанган, эй халқи азим,
Сенга шонрингдан дунёча таъзим!
Боқаман, тўймайман жамолингга мен,
Меҳнатда, ижодда камолингга мен.
Мен турган улуғ майдон
Доҳимиз номидан шан,
Яшнайди еру осмон
Ол байроқлардан гулшан.
Минг-минглаб ишчи, деҳқон
Кўкрагида юлдузлар
Ҳамма дўсту қадрдон,
Салом сизга, азизлар!
Шаҳар узра сузади
Шодиёна жаранги,
Сукунатни бузади,
Улуғ зафар оҳанги,
Баланд бинолар саф-саф,
Пештоқида байроқлар.
Бу тонг мен сизга қараб
Қувонаман, ўртоқлар!
Бир мен эмас, миллионлар
Қувонади бахтимдан,
Жаҳон бўйлаб инсонлар
Кўз олмас пойтахтимдан—
Тошкентни озод Шарқнинг
Дейдилар — дарвозаси;
Ленин берган байроқнинг
Улуғдир овозаси!
Бошлар узра чайқалар
Алвонларда шиорлар,
Ҳарфларки, шунқорлар
Мисоли қанот қоқар,
Уларда олти миллион—
Ардоқли рақам порлар,
Шодлигим мисли уммон
Тошар, ҳайқирар, гурлар!
Москва қутловини
Элимиз тинглади шод.
Юраклар оловини
Ендирди муборакбод,
Ғайрату кучимизни
Оширди жону танда.
Қардошлик бурчимизни
Адо этдик Ватанда.
Чўққига чиққан одам
Узоқларни кўради;
Мақсадимиз бир олам,
Буюк ишлар туради.
Байрам кетидан яна
Бошланади зўр ҳужум.
Бу шодлик, бу тантана—
Сарлавҳа китоб учун.
Авлодим, доим интил
Янги марралар сари.
Кутмоқдадир сени, бил
Коммунизм боғлари.
Қўшиқларинг янграсин
Мардлигингга баробар,
Ҳавас билан тингласин
Овозинг курра-башар!
Байрамга ясанган, эй халқи азим,
Сенга шонрингдан дунёча таъзим.
Боқаман, тўймайман жамолингга мен,
Меҳнатда, ижодда камолингга мен.

ЛЕНИН ВАСИЯТЛАРИГА МУВОФИҚ, ОКТЯБРЬ ЙЎЛИДАН

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллигига бағишланиб Кремлнинг Съездлар саройида 1980 йил 6 ноябрда ўтказилган тантанали мажлисда ўртоқ Н. А. ТИХОНОВ доклади

Азиз ўртоқлар!

Ҳар бир даврда кўпдан-кўп унутилмас воқеалар, шонли саналар ва шуҳратли номлар кўп бўлган. Аммо улар орасида ўз миқёси, тарихнинг бутун боришига чуқур таъсир ўтказиши жиҳатидан ўз замонаси доираси билангина чекланмайдиган воқеалар, саналар ва номлар яққол ажралиб туради. Улар ўтмишгагина эмас, инсониятнинг ҳозирги куни ва келажагига ҳам мансубдир.

Россия ишчи ва деҳқонлари большевиклар партияси, улуғ Ленин раҳбарлигида амалга оширган Улуғ Октябрь социалистик революцияси айни мана шундай аҳамиятга молик воқеа бўлди.

Октябрнинг ғалабаси инсониятнинг капитализмдан социализмга ва коммунизмга ўтишига асос солди.

Бугунги тантанали мажлис қатнашчиларини, қаҳрамон ишчилар синфимизни, шонли колхозчи-деҳқонларни, халқ зиёлиларини, шавкатли Совет Армияси ва Флотининг жангчиларини, барча совет кишиларини партия Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати номидан байрам билан — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллиги билан астойдил табриклашга ижозат бергайсиз!

Биз Октябрь Ватанига келган меҳмонларимизни қизғин табриклаймиз ва барча чет эллик дўстларимизга, ўртоқларимизга ҳамда муштарак буюк идеалларимизнинг тантанаси учун курашдаги сафдошларимизга революцион салом йўллаймиз!

1917 йилнинг 7 ноябри тарихий куни биздан олисларга борган сайин Октябрь ғалабасининг улуғворлиги, унинг жаҳон революцион жараёни ривожига, халқлар тақдирига таъсири шу қадар тобора яққолроқ кўринмоқда.

Коммунизм қураётган совет кишиларининг улуғ ишларида, қардош социалистик мамлакатларнинг ютуқларида, жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг муваффақиятларида, меҳнаткашларнинг ўз озодлиги ва мустақиллиги учун, империализмга қарши курашида, халқларнинг мустаҳкам тинчликка бўлган кучли иродасида ленинизм ғоялари, октябрнинг жонли нафаси намоён бўлмоқда.

Коммунистик партия билан совет халқи октябрь революциясининг бу галги йиллигини КПСС XXVI съездига тайёргарлик кенг авж олган вазиятда кутиб олмоқдалар. Мана шундай масъулиятли даврда партиямизнинг жанговар революцион ижодий роли, коммунистларнинг, барча совет кишиларининг Ленин васиятларига мувофиқ яшаш ва ишлашга, октябрнинг порлоқ йўлидан коммунизм сари олға боришга юксак интилиши янги куч билан кўзга ташланиб турибди.

* * *

Ўртоқлар! Октябрь — тантанаворлик билан ишчанликни, революцион ишлар улуғворлиги билан коммунистик келажакка интилишни ўзида бирлаштирувчи байрамдир.

Владимир Ильич Ленин бундай деган эди: «Революциямизнинг бир йиллигини байрам қилиб турган кунимизда революциямиз босиб ўтган йўлга бир назар ташлаб ўтишимиз лозим. Бизга революциямизни ҳаётда қийин бир шароитда бошлашга тўғри келди, бундан кейин ишчиларнинг жаҳонда бўладиган революцияларидан ҳеч бири бунчалик қийин шароитда бўлмайди, шунинг учун босиб ўтган бутун йўлимизни ёритиб беришга ҳаракат қилиб кўришимиз, шу вақт ичида нималарга эришганлигимизни назардан кечириб чиқишимиз айниқса муҳимдир» (Тўла асарлар тўплами, 37-том, 157—158-бетлар).

Ёш Совет Республикаси вазифаларнинг янгилигидан ҳам, қийинчиликлар ва тўсиқлардан ҳам чўчимай, социалистик ўзгартиришларнинг ҳали ҳеч ким босиб ўтмаган йўлига дадил қадам қўйди. Меҳнаткашлар оммаси эски дунё ҳамма кучларининг жон-жаҳди билан қилган қаршилигига қарамай, ҳокимиятни ўз қўлига олиб, ҳусусий мулкчиликнинг ҳукмронлигини, эксплуатация ва зулмни тугатди, революциянинг энг бош вазифасини — бунёдкорлик вазифасини ҳал этди.

Тарихий ижодкорлик озодлиги нималигини билиб олган халқ социалистик индустриялашни, қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришни, маданий революцияни амалга оширди.

Булар — бепоён мамлакатнинг ҳаётини янгилаб юборган илҳомбахш революцион ва меҳнат зафарлари бўлди.

Совет халқи Октябрь, социалистик тузум ғалабаларини фашизмга қарши ҳаёт-мамот жангида қаттиқ туриб ҳимоя қилди, жаҳон цивилизациясини омон сақлаб қолди.

Ғалабанинг 35 йиллигида биз ўша даҳшатли, унутилмас йилларнинг жасоратларини яна эсга оламиз.

Улуғ Ватан уруши фронтларидаги мардлик, мамлакат ичкарисидаги фидокорона меҳнат халқ хотирасида абадий яшаб, янги-янги авлодларни Ватан манфаатлари йўлида шонли ишларга руҳлантираверади.

Уруш тамом бўлгач, совет кишилари сўнмас жасорат-тикланиш жасоратини кўрсатдилар. Урушдан кейинги беш йилликлар ватанимизнинг ҳар томонлама тараққий этишида унутилмас босқичлар бўлиб қолди.

Социалистик тузумнинг ҳаётий кучи, халқимизнинг меҳнатдаги қаҳрамонлиги мамлакатни иқтисодий қудратининг фан ва маданият равнақининг янги погоналарига кўтарди.

Ривожланган социалистик жамият барпо этилганлиги партия билан халқнинг буюк жаҳоншумул — тарихий ютуғи, унинг революцион — ўзгартувчилик фаолиятининг бош натижаси бўлди.

СССРнинг янги Конституцияси — дунёда биринчи социалистик умумхалқ давлатининг Асосий Қонуни Октябрнинг, Коммунистик партия билан совет халқининг улуғвор мадҳияси бўлди.

Ривожланган социализм чўққиларига кўтарилиш, КПССнинг XXIII, XXIV ва XXV съездларида ишлаб чиқилган партиянинг бош йўлини амалга ошириш, коммунистик қурилишдаги муваффақиятларимиз ленинча Марказий Комитет, унинг Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги Сиёсий бюросининг кўп қиррали фаолияти билан чамбарчас боғланган.

Партия билан халқ ўртоқ Леонид Ильич Брежневни ўзининг доно раҳбари, давримизнинг атоқли сиёсий арбоби, коммунизм ва тинчлик учун улуғ курашчи, ўзининг қайноқ қалби ва донишмандлиги билан миллион-миллион кишиларнинг меҳнати ва турмушига тааллуқли ҳамма нарсаларга бениҳоя сезгир инсон, деб биладилар.

Ўртоқлар! Советлар мамлакати коммунистик қурилишнинг ҳамма соҳаларида дадил олға бормоқда.

Унинг иқтисодий потенциали қудратлидир. Мамлакатимиз беш кун мобайнида ишлаб чиқараётган миллий даромад биринчи беш йиллик арафаси — 1928 йилдаги бутун йиллик миллий даромад ҳажмига тенг келади.

Совет Иттифоқи ҳозир бутун ер юзидаги саноат маҳсулотининг бешдан бир қисмини ишлаб чиқармоқда. Мамлакат пўлат, нефть (шу жумладан газ конденсати), темир ва марганец руда, кокс, минерал ўғит, цемент, тепловоз ва электровоз ҳамда бошқа баъзи турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш жиҳатидан жаҳонда биринчи ўринда турибди.

Совет кишилари кундалик меҳнатлари жараёнида чинакам баҳодирона ишлар қилмоқдалар — шаҳарлар бунёд этмоқдалар, улуғвор магистралларни қурмоқдалар, замонавий корхоналарни, дунёда энг катта гидравлика ва атом электр станцияларини барпо қилмоқдалар, Узоқ Шимол, Сибирь ва Узоқ

(Давоми 2-бетда).

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Тошкент область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети районлар, совхозлар, колхозлар, «Ташплодоовощ»нинг шаҳар улгуржи чакана савдо идоралари, область матлубот жамиятининг давлатга мева, сабзавот сотиш бўйича тайёрлов ташкилотлари ўртасида 1980 йил 1 ноябргача ўтказилган социалистик мусобақанинг якунини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи Оҳангарон районида (район партия комитетининг секретари К. И. Икромов, район ижроия комитетининг раиси А. К. Қосимов, қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзлари район комитетининг раиси М. Д. Давронов, район комсомол комитетининг секретари М. Бобохўжаев, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи С. Д. Ан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳарид қилиш ва сифатни бўйича бош давлат инспектори Ю. С. Сулаймонов ўртоқлар) қолдирилди. Бу район давлатга сабзавот сотиш йиллик ҳажмини 158 процент, картошка бўйича 88,9 процент, ҳўл мева бўйича 110,2 процент, узум бўйича 82,7 процент, қовун-тарвуз бўйича 134 процент бажарган ва октябрь ойининг учинчи ўн кунлигида йиллик планга нисбатан сабзавот сотишда 2,8 процент, картошка бўйича 2,8 процент ва қовун-тарвуз сотишда 7,5 процент ўсишга эришган.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилади:

Бўка райсинга (район партия комитетининг секретари Т. И. Исломов, район ижроия комитетининг раиси Р. Қ. Қодиров, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзлари район комитетининг раиси А. Шукуров, район комсомол комитети секретари Ш. Муҳаммаджонов, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи К. С. Содиқов, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳарид қилиш ва сифати бўйича бош давлат инспектори У. Иброҳимов ўртоқлар) берилди. Бу район давлатга сабзавот сотиш йиллик планини 159 процент, картошка бўйича 128,3 процент, ҳўл мева бўйича — 155 процент, узум бўйича — 137,5 процент, қовун-тарвуз бўйича 103 процент бажарган ва октябрь ойининг учинчи ўн кунлигида йиллик планга нисбатан сабзавот сотишда 14,5 процент, картошка бўйича 28,3 процент ва қовун-тарвуз сотишда 12 процент ўсишга эришган.

(Давоми 4-бетда).

ЛЕНИН ВАСИЯТЛАРИГА МУВОФИҚ, ОКТЯБРЬ ЙЎЛИДАН

(Бошн биринчи бетда).

Шарқ бойликларини ўзлаштирмоқдалар, Россиянинг Ноқоратупроқ ўлкасини обод қилмоқдалар, барча иттифоқдош республикаларнинг экономикаси ва маданиятини муваффақиятли ривожлантирмоқдалар.

Мамлакатнинг ҳамма ишларида қаҳрамон ишчилар синфи ғоят катта роль ўйнамоқда. Юксак социалистик онг соҳиби бўлган, партия идеалларига, шонли анъаналарга чуқур садоқатли ишчилар синфи улуғ революция эстафетасини муносиб давом эттирмоқда, коммунизм бинокорларининг олдинги сафида бормоқда!

Партиянинг КПСС Марказий Комитети 1965 йил март Пленуми қарорларида асос солинган ҳозирги аграр сиёсати негизида қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш соҳасида жуда катта иш қилинди. Шу тармоқни ривожлантиришга кейинги уч беш йиллик мобайнида 400 миллиард сўмга яқин капитал маблағ сарфланди. Бу—қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини анча мустаҳкамлаш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш имконини берди: кейинги уч беш йиллик ичида қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ҳажми бир яримбаравар кўпайди.

Ҳозир мамлакат далаларида ҳосилни йиғиштириб олиш ишлари тугалланмоқда.

Қозоғистон ғаллакорлари ажойиб меҳнат қилдилар. Улар Леонид Ильичга берган ваъдаларини шараф билан бажариб, давлат омборларига 1 миллиард пуддан ортиқ ғалла тўкдилар. Шу беш йилликда республика мамлакатга тўрт марта 1 миллиард пуддан дон берди. Бу юксак марралар Қозоғистон учун норма бўлиб қолмоқда. Тилларда достон бўлган кўриқ ерлар мана шундай мўл ҳосил бермоқда, ўртоқлар!

Кубань, Ставрополь, Бошқирдистон АССР, Оренбург, Харьков, Новосибирск, Белгород областлари ва мамлакатнинг бошқа районлари меҳнаткашлари дон тайёрлашда салмоқли натижаларга эришдилар.

Пахтадан рекорд миқдорда—тўққиз ярим миллион тоннадан зиёд ҳосил олинди. Пахтакорлар ўнинчи беш йиллик планида белгиланган марралардан анча ўзиб кетдилар. Ўзбекистон меҳнаткашлари 6 миллион тоннадан кўп пахта топшириб, ғоят катта ҳисса қўшдилар. Озарбайжон ва Тожикистон пахтакорлари ажойиб натижаларга эришдилар.

Имкони борича кўпроқ ҳосил етиштириш ва уни йиғиштириб олиш учун фидокорона ишлаган барча кишиларга партия Марказий Комитети билан Совет ҳукуматининг самимий миннатдорчилигини изҳор этишга ижозат бергайсиз!

Социализмнинг жуда катта афзаллиги шундан иборатки, у инсон даҳосининг улуғ ютуқларини тараққиёт ва тинчлик манфаатларига хизмат қилдирди. Биз илм-фаннинг муваффақиятлари билан, атом энергиясидан тинч мақсадларда биринчи бўлиб фойдалана бошлаганимиз, космосга биринчи бўлиб чиққанимиз билан фахрланишга ҳақлимиз. Нигирма йилдан камроқ вақт ичида Юрий Алексеевич Гагариннинг бутун дунёни ҳайратга солган биринчи парвозидан ҳозирги кўп ойлик космик экспедицияларгача бўлган мислсиз йўл босиб ўтилди.

Ер юзи халқлари совет космонавтлари билан бирга қардош социалистик мамлакатларнинг гражданлари иштирокида яқинда амалга оширилган учишларини зўр эътибор билан кузатиб турдилар. Бу парвозлар социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари қардошлиги буюк кучининг янги тимсоли бўлди.

Ўртоқлар! Давлатнинг имкониятлари ва ресурслари нақадар кўпайса, совет кишиларининг моддий ва маънавий эҳтиёжлари ҳам шу қадар тўла-тўкис ва шу томонлама қондирилаверади.

Ўнинчи беш йилликда кенг миқёсдаги социал программа амалга оширилди. Халқ фаровонлигининг янада ўсиши таъминланди. Истеъмол фонди 60 миллиард сўмликдан зиёд кўпаяди. Ҳар йили 10—11 миллион совет киши янги уйларга кўчиб чиқмоқда. Аҳолининг реал даромадлари кейинги уч беш йиллик ичида қарийб 2 ҳисса ортди. Меҳнаткашлар даромадларининг асосий манбаи бўлмиш иш ҳақи муттасил ошмоқда. Кейинги ўн беш йил мобайнида халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқариш ҳажми 2,5 баравар ошди. Уларнинг турлари кўпайди, сифати яхшиланмоқда. Ўнинчи беш йилликнинг ўзидагина халқ учун 790 миллиард сўмлик ёки тўққизинчи беш йилликка нисбатан 170 миллиард сўмлик кўп мол ишлаб чиқарилди.

Ижтимоий истеъмол фондлари халқ фаровонлигини оширишда тобора кўпроқ муҳим роль ўйнамоқда. Шу беш йилликда бу фондлар 527 миллиард сўмдан иборат жуда катта миқдорга етди.

Иқтисодий ютуқларимиз ва социал ғалабаларимиз совет кишиларида янги ғайрат ва илҳом туғдирмоқда, келажакка ишончни, умидворлик туйғусини мустаҳкамламоқда.

Ўз-ўзидан равшанки, ўртоқлар, партия ҳал этилмаган масалаларни ҳам, экономика соҳасидаги камчиликларни ҳам, қийинчиликларни ҳам кўриб турибди. Леонид Ильич Брежневнинг КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленумидаги чуқур мазмунли нутқида мамлакат социал иқтисодий ривожининг энг муҳим проблемалари атрофлича таҳлил этиб берилди, коммунистик қурилишнинг туб масалалари юзасидан катта умумлашмалар қилинди.

Бу нутқ халқ фаровонлиги туғрисида ғамхўрлик руҳи билан суғорилган, унда КПССнинг XXVI съездига қандай принципиал муҳим ғоялар ва йўл-йўриқлар билан бораётганлиги баён этилган.

Партия ўртага кўйган шу кунлардаги бош снёсий вазифа—зўр иқтисодий потенциалимиздан ва социалистик планли экономика афзалликларидан максимал равишда фойдаланиш, ҳар бир фойдали ташаббусни ўз вақтида пайқаб олиш, қўллаб-қувватлаш ва кенг оммалаштириш зарур.

Коммунистик партия билан Совет давлати учун халқ бахт-саодати тўғрисида ғамхўрлик қилишдан кўра олий иш йўқ!

Партия халқ хўжалигига юксак пировард натижаларга эришиш манфаатларини кўзлаб, индустриянинг база тармоқларини —энергетика, химия, металлургия, машинасозлик, капитал қурилиш ва транспортни ривожлантиришга экономика самарадорлигини, бутун иштимоий ишлаб чиқаришни интенсивлаш позицияларида туриб ёндашмоқда.

Атом энергетикасини ривожлантириш суръатларини ошириш, электр станцияларда ишлатилаётган нефть улушини қисқартириш, табиий газ қазиб олишни тез кўпайтириш, энергиянинг анъанавий ва янги турларидан оқилона фойдаланиш, серунум ва тежамли машина-ускуналарни, энергияни тежайдиган технологияларни вужудга келтириш ва жорий этиш халқ хўжалигини ёқилғи ва энергия билан янада барқарор таъминлашни йўлга қўйиш имконини беради.

Химия саноатини мувафақиятли ривожлантириш аввало ишлаб турган қувватларни тез ўзлаштиришга ва улардан максимал фойдаланишга боғлиқ.

Пластмасса, химиявий тола, маиший химия маҳсулотлари, минерал ўғит ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, прокат ва қувурларнинг энг тежамли турларини кўпроқ ишлаб чиқариш, асосий машина-ускуналарни янгилаш, технология жараёнларини такомиллаштириш, хом ашё базасини мустаҳкамлаш соҳасида кўп иш қилишлари керак.

Халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларидаги фан-техника тараққиёти, меҳнат унумдорлигининг ўсиши аввало машинасозликнинг даражаси билан белгиланади. Заводларимизда ишлаб чиқарилаётган ҳар бир янги станок, машинада илм-фаннинг, инженерлик, конструкторлик фикрининг энг янги ютуқлари, аниқ иқтисодий ҳисоб-китоб ва энг яхши амалий тажриба мужассамлашган бўлиши керак.

Ишлаб чиқариш миқёсларининг кенгайиши, унинг ихтисослашуви ва кооперациялашуви чуқурлашиши, Сибирь ва Узоқ Шарқ районларининг кенг миқёсда ўзлаштирилиши транспортнинг, айниқса темир йўл транспортининг аҳамиятини ҳар қачонгидан ҳам оширади. Транспортнинг прогрессив турларини, айниқса қувурлар орқали юк ташишни ривожлантириш, темир йўлларнинг техника билан таъминланишини ошириш, рационал юк ташишларни қатъиян тугатиш, бекор туришларга йўл қўймаслик, транспорт турларининг ҳамма бўғинлари пухта ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилишини таъминлаш — партия, совет ва хўжалик органларининг энг зарур вазифаси, барча транспорт ходимларининг бевосита бурчидир.

Кўп миллионли қурувчилар армиясининг куч-ғайрати халқ хўжалигининг илгари туширилаётган объектларига, уй-кой қурилиш планларини сўзсиз бажаришга ва унинг сифатини оширишга марказлаштирилиши керак. Капитал қурилишда маблағ, материал ва меҳнат ресурсларининг сочиб юборилишига, маҳаллийчилик ва маҳкамачилик кўринишларига тоқат қилиб бўлмайди.

Барча тармоқлар ходимларининг муштарак вазифаси фан ва техника ютуқларини, илғор тажрибани кенг жорий этиш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришни ана оширишдан ва унинг сифатини яхшилашдан иборат. Бу капитал чиқимларни қисқартириш, анча тезроқ самара олиш ва меҳнат ресурсларидан халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида фойдаланиш учун тежаб қолиш имконини беради.

Ўртоқлар! Социализм — барча моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан оқилона, тежамли фойдаланиш принципи амал қиладиган жамиятдир.

Жамиятнинг иқтисодий манфаатлари, коммунистик ахлоқ талаблари, совет кишиларининг ватанпарварлик туйғулари исрофгарчилик психологияси билан муросасозлик қилишга йўл қўймайди.

Ҳар бир хўжасизликнинг доимо конкрет эгалари бор. «Аммо, Орел область Совети бир гуруҳ депутатлари «Известия» газетасида ҳақли равишда ёзганларидек, айбдор бўлган киши халқ мулкини бузганлиги ёки талон-тарож қилганлиги учун қонуннинг бутун қаттиқ талабларига мувофиқ кампдан-кам жавобгарликка тортилмоқда. Ҳолбуки унинг қилмишидан қатъи назар жавобгарликка тортиш керак». Бу — давлат нуқтаи назаридан тўғри ёндашишдир, ўртоқлар! Инсоннинг мавқеи аввало унинг меҳнати натижалари билан белгиланадиган жамиятда, фақат ишлаб чиқарилган, тежаб қолинган ва иқтисод қилинган нарсаларгина халқ фаровонлиги учун тақсимланиши мумкин бўлган жамиятда ҳар қандай исрофгарчиликка тоқат қилиш мумкин эмас. Ҳар бир коммунист, комсомол, касаба союз аъзоси, ҳар бир совет граждани иқтисод ва тежамкорлик учун ҳақиқий курашчи бўлиши керак.

Хўжалик механизми ва халқ хўжалигини бошқаришнинг ташкил этилиши партиянинг иқтисодий стратегиясига тўла-тўкис мувофиқ бўлиши лозим. КПСС Марказий Комитети билан ҳукуматнинг қарорларига биноан планлаштиришни яхшилашга ва бошқарувнинг ташкилий структурасини такомиллаштиришга, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ресурслардан оқилона фойдаланиш манфаатларини кўзлаб, ишлаб чиқаришда юксак пировард натижаларга эришиш учун иқтисодий воситалар ва омилларнинг ролини кучайтиришга қаратилган тадбирлар системаси амалга оширилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил октябрь Пленумида таъкидлаб ўтилганидек, экономикани интенсив ривожланиш изига ўтказишни саксонинчи йилларда ниҳоясига етказиш учун бу муҳим ишни янада зўр қатъият, ишчанлик ва ғайрат билан олиб бориш керак.

Ўртоқлар! Совет кишилари байрамни меҳнатда ажойиб муваффақиятлар билан кутиб олдилар, бу муваффақиятларга Москва ва Ленинград меҳнаткашларининг ташаббуси билан шу йилги топшириқларни Октябрнинг 63 йиллиги кунигача бажариш ва 1981 йилда барқарор ишлашни таъминлаш учун бошланган социалистик мусобақада кенг авж олдирилганлиги туфайли эришилди.

Москва саноат ходимлари маҳсулот реализация қилиш ўн ойлик топшириғини муддатидан илгари бажариб бўлдилар. Пойтахтнинг ўн минглаб ишчилари ҳозирнинг ўзидаёқ шахсий беш йиллик топшириқларини бажариб қўйдилар. Бу — катта меҳнат ғалабасидир!

Барча иттифоқдош республикаларнинг миллион-миллион меҳнаткашлари оширилган мажбуриятлар олиб, ўз ваъдаларини шараф билан адо этдилар. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмидан белгиланган ўн ойлик план бажарилди. Маҳсулотни кўпайтиришнинг тўртдан уч қисмига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилди.

«Беш йилликка — зарбдор якун. КПСС XXVI съездини муносиб кутиб оламиз!» деган шиор остида умумхалқ мусобақаси кун сайин кенгайиб бормоқда. Бунда совет кишиларининг ватанпарварлиги, уларнинг жонажон партия съездини янги меҳнат ютуқлари билан кутиб олиш муддаоси яққол намоён бўлмоқда.

Ўзларининг илҳомбахш меҳнати билан Октябрь Ватанининг шуҳратини ошираётган барча кишиларга самимий миннатдорчилик ва ташаккур сўзларини айтишга ижозат бергайсизлар!

Коммунистик қурилишда пешқадамлик қилаётган Қизил байроқли коллективларга, беш йиллик гвардиячиларига шон-шарафлар!

* * *

Ўртоқлар! Советлар мамлакатининг бутун тарихи Ленинниг тўла демократияни амалга оширмайдиган ғолибона социализм бўлиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги башорати чуқурлиги ва ҳақконийлигини исботлаб турибди.

Зотан бугун биз: ривожланган социализм — ҳақиқий, тўла демократия жамиятидир, деб ифтихор билан айта оламиз.

Демократиямизнинг тўлиқлиги — Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқларнинг реаллигида ва эркинликларнинг ҳақиқийлигида намоён бўлиб турибди. Социалистик демократизм ижтимоий турмушнинг ҳамма соҳаларига:

социалистик мулкчилик, эксплуатациядан халос бўлган меҳнат ҳукмронлик қилаётган социал-иқтисодий соҳага;

халқ давлат ҳокимиятини амалга ошираётган ва жамиятни идора қилишда бевосита қатнашаётган, ишчилар, деҳқонлар ва зиёлиларнинг бузилмас иттифоқи қарор топган снёсий соҳага;

коммунистик қурилишнинг илғор революцион фикрли партиядир, бу — турмушнинг бутун тўлиқлиги, мураккаблиги ва қарамақаршиликларини кўриш, ижтимоий ривожланишнинг бош тенденцияларини ажратиб олиш, коммунизм учун кураш стратегияси ва тактикасини илмий белгилаш имконини беради.

Коммунистлар партияси—меҳнаткашлар оммасини улуғ идеаллар йўлидаги курашга комил ишонч билан бошлаб бораётган дадил тарихий ташаббус ва революцион ҳаракат партиясидир.

Синфий жангларда, уруш синовлари даврида ва тинч даврда коммунистлар ҳамиша олдинда бордилар. Улар ҳамиша энг хатарли ва энг қийин ишларга бош бўлиб, ҳаққоний сўз ва шахсий намуна кучи билан омманинг ғайрати, шижоати ва қаҳрамонлигини жўш урдириб келдилар.

Коммунистлар партияси—ишчилар синфининг партиясидир, бутун халқнинг партияси, социалистик интернационализм партиясидир, ҳар қандай миллатчилик кўринишларига муросасиз партиядир.

Ленин партияси ўз сафларига ишчилар, деҳқонлар ва зиёлилар орасидан энг онгли, ҳалол, обрўли ва фидокор кишиларни танлаб олмоқда, улар мамлакатни идора қилувчи партия сафларида ўзларига имтиёз изламайдилар, балки Октябрнинг улуғ иши учун қурувчилар ва курашчилар пешқадами бўлиш мақсадида партияга кирадилар.

Шунинг учун ҳам Коммунистик партия жамиятимизнинг раҳбар ва раҳнамо кучидир. Шунинг учун ҳам партия совет халқининг доимо ишонса бўладиган ўз жонажон партияси бўлиб қолди!

Партия ҳам шу ишончни қадрлайди. Партия халқ манфаатларига хизмат қилишни ўз революцион ўзгартирувчилик фаолиятининг олий мақсади, деб билади.

Омма билан жонли, чамбарчас алоқа, халқ билан мустаҳкам бирлик Ленин партиясининг снёсий қиёфасини яққол характерлайди. Совет халқи партиянинг ички ва ташқи снёсатини, КПСС Марказий Комитети, унинг абадий барҳаёт Ленин ишининг содиқ давомчиси Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги Снёсий бюроси кўп қиррали ва самарали фаолиятини ижодийлик билан қўллаб-қувватламоқда.

Леонид Ильич Брежневнинг буюк назарий, снёсий ва ташкилотчилик фаолияти коммунизм қурилиши илми ва тажрибасига бебаҳо ижодий ҳисса қўшмоқда, партия ва давлат иши ленинча принципларини ривожлантирмоқда, партия билан халққа садоқат билан хизмат қилишнинг ажойиб намунасини кўрсатмоқда.

Мана шуларнинг ҳаммаси туфайли Леонид Ильич партияда зўр обрўга, умумхалқ меҳр-муҳаббатига сазовор бўлди.

Ўртоқлар! Вазифаларимизнинг миқёси нақадар салобатли ва халқ оммасининг ижодкорлиги нақадар кенг бўлса, ҳамма жамоат ва давлат ташкилотлари нақадар активроқ ишласа Коммунистик партиянинг раҳнамолик роли ҳам шу қадар юқори ва масъулиятли бўлади.

Империалистик пропаганда идеология соҳасидаги ғаламисликларнинг тиғини социалистик мамлакатларда партиянинг раҳбарлик ролига қарши, партия, давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги муносабатларни маъмуриятчилик ва буйруқбозлик, икир-чикир ишларга аралаша бериш муносабатлари қилиб кўрсатишга қаратаётганлиги бежиз эмас. Бу уйдирмалар реал турмушга мутлақо зиддир.

КПСС ўзининг раҳбарлик ролини амалга оширганда бошқа ташкилотларнинг ўрнини босишга интилмайди, аксинча у давлат ва хўжалик органлари, жамоат ташкилотлари имкони борича самарали ишлашлари, ўз олдиларида турган вазифаларни ижодий ҳал этишлари тўғрисида доимо ғамхўрлик қилади.

Совет жамияти сермазмун ҳаёт нечирмоқда. Ҳар бир кун меҳнатдаги ишларга, ижтимоий-снёсий ва маънавий соҳалардаги муҳим воқеаларга бой.

Бу ишларда халқ депутатлари Советлари, касаба союзлари, комсомол, зиёлиларнинг ижодий уюшмалари ва меҳнаткашларнинг бошқа ташкилотлари фаол қатнашмоқдалар.

Советлар, меҳнаткашларнинг барча ташкилотлари ғоявий-снёсий мақсадларнинг муштараклиги билан бирлашиб, аҳил ва иноқ ишлаётганликлари, халқ, умумий коммунистик иш манфаатлари йўлида ҳаракат қилаётганликлари туфайли улар фаолиятининг натижалари янада ошмоқда.

Советларнинг ишини янада такомиллаштиришга партия катта эътибор беради. Советлар зўр кучга эга бўлган ваколатли органлардир. Ҳамма босқичлардаги Советларга 2 миллион 200 мингдан ортиқ депутат сайланган. Улар кўп миллионли активларга таяниб, давлат, хўжалик ва маданий қурилишда фаол қатнашмоқдалар. СССР Олий Совети яқинда қабул қилган қарор халқ депутатлари ўлка ва область Советларига анча кенг ҳуқуқлар берди ва вазифалар юклади, бу ҳуқуқ ва вазифалар уларнинг ўз регионларини комплекс иқтисодий ва социал ривожлантириш, халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқариш, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, аҳолининг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш масалаларини ҳал этишга анча самарали таъсир ўтказишларига имкон беради. Бинобарин, шу ҳуқуқлар тўла ҳажмда амалга оширилиши, вазифаларнинг эса оғишмай бажарилиши ҳозир айниқса муҳимдир!

Касаба союзлари шаҳар ва қишлоқдаги 127 миллиондан зиёд меҳнаткашни ўз сафларида бирлаштирувчи меҳнаткашларнинг мамлакатдаги энг оммавий ташкилотидир.

Улар давлат ва ҳар бир меҳнат коллективи миқёсида ижтимоий ишлаб чиқаришни ва бошқарувни ривожлантиришда, социалистик мусобақани ва тарбия ишини ташкил этишда жуда актив ва бевосита қатнашмоқдалар. Қонун лойиҳалари тайёрлаш ҳуқуқига эга бўлган совет касаба союзлари ҳокимият органларида меҳнат коллективлари, барча меҳнаткашлар номидан иш кўрадилар.

Меҳнаткашларнинг манфаатларига даҳлдор бўлган ҳар қандай масалаларни кўриб чиқишда касаба союз ташкилотларининг овози салмоқлидир. Маъмурият билан коллектив шартномаларнинг тузилиши ва бажарилиши, меҳнатни муҳофаза қилиш ва турмушни яхшилаш, уй-жойларни тақсимлаш, ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг ставка ва тарифларини белгилаш шулар жумласига киради. Касаба союзлари кенг тармоқли санаторийлар, дам олиш уйлари, профилакторийлар, туристик базалар, спорт иншоотларига эгадирлар.

Касаба союзларининг фаолияти доирасини кенгайтириш, иш услуби ва методларини такомиллаштириш — демократиямизнинг янада таъсирчан бўлишига, кўп миллионли ленинча бошқариш мактаби, хўжалик юритиш мактаби, коммунизм мактаби бўлмиш касаба союзларининг ролини оширишга интилишдир демакдир.

Ажойиб ёшларимиз, шонли Ленин комсомоли жонажон мамлакатнинг ҳамма ишларига навқиронлик ғайрати, ўз ташаббусини бахш этмоқдалар. Партия билан халқ Ватанимизнинг келажаги бўлмиш ёш авлодга, унинг коммунистик идеалларга астойдил содиқлигига ишонадилар. Ижтимоий турмушнинг бирон соҳаси — ишлаб чиқариш ва савдо, соғлиқни сақлаш ва маориф, маданият ва фаннинг бирон-та соҳаси йўққи, унда совет хотин-қизларининг иштеъдод ва ғайрати самарали равишда қўлланилмаётган бўлсин.

Меҳрибон аёлларнинг қўли ва оқилоналиги билан оила саранжом. Оналар азиз болаларининг ўз Ватанининг муносиб граждани бўлиб етишишлари учун кўп куч сарфламоқдалар.

Азиз ватандош аёллар, сизларга сидқидилдан миннатдорчилик, чуқур ва ялпи ташаккур изҳор этамиз!

Жамиятимиз билан давлатимизнинг инсонга — чақалоқдан тортиб мўйсафид ветерангача қилаётган меҳрибонлиги Ер юзидаги жами меҳнат аҳлини қойил қолдирмоқда. Социализмнинг зўр жозиба кучи, унинг инсонпарварлик моҳияти ҳам ана шунда.

Совет кишисининг ҳуқуқлари ва қадр-қиммати тўғрисида, унинг ҳаққоний манфаатларини қондириш ҳақида гап борганда, барча давлат ва хўжалик органларидан, ҳамма мансабдор шахслардан алоҳида масъулият талаб қилинади.

Инсонга ҳурмат ва эътибор, ҳуқуқлар ва эркинликларнинг ҳар бир граждан ўз вазифаларини ижро этишдан ажралмаслиги демократиямизнинг муқаддас принципи бўлиб, бу принципни четлаб ўтиш ва бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Жамоатчилик фикри обрў-эътиборининг зўр кучи, меҳнаткашлар манфаатларига посбонлик қилувчи совет қонунларининг адолатли эканлиги ҳозирча тартиб бузилаётган жойларда муносиб тартиб ўрнатиш, ҳамма жойда ҳар бир совет кишиси яхши ишлаб, осойишта яшашига эришиш имконини беради.

Ер юзидаги жамики гўзалликнинг ижодкори ва бунёдкори бўлмиш меҳнат аҳли социализмнинг бебаҳо бойлиги бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади!

Ўртоқлар! Бизнинг Ватанимиз ягона аҳил оилага бирлашиб, совет халқи номини олган эркин ва тенг ҳуқуқли миллат ҳамда элатларнинг мамлакатидир. Бу йил совет кишилари кенг миқёсда нишонлаган Қозоғистон ССР билан Озарбойжон ССРнинг 60 йиллиги, Литва, Латвия, Эстониада Совет ҳокимияти қайта тикланганлигининг 40 йиллиги, автоном республикаларнинг юбилейлари байрамлари ленинча миллий снёсатнинг тантанаси бўлди.

Халқларимиз қардошлиги ва ўзаро ҳурматининг бузилмас ришталари — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг улуғ зафарбахш кучидир, унинг қудрати ва равнақининг битмас-туганмас ҳаётбахш манбаидир.

Жамиятимиз ўзининг ғоявий ва снёсий жипслиги билан, ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва зиёлиларнинг бузилмас иттифоқи билан, барҳаёт марксизм-ленинизм ғоялари туфайли бирлашган халқларимизнинг дўстлиги билан, коммунистик қурилишнинг улуғ иши билан кучлидир.

Партия Октябрь туфайли юзага келган ва социализм ғалабаси туфайли қарор топган шу бирлик ва қардошлик ўсиб ,мустаҳкамланиши учун бундан буён ҳам ҳамма ишни қилаверади.

Съезд арафасида партия ташкилотларида ўтказилаётган ҳисобот-сайлов кампанияси мамлакатимиздаги бутун ижтимоий-снёсий муҳитга жуда катта таъсир қилмоқда.

Омма орасида, бевосита меҳнат коллективларида иш кўраётган бошланғич партия ташкилотларидаги ҳисобот-сайлов йиғилишлари ниҳоясига етмоқда.

Партия йиғилишлари ва конференциялари партиямиз кучларининг съездолди жанговар кўриги бўлиб, ҳар бир коммунист қандай ишлаётганлигини, ўзининг партиявий ва ижтимоий бурчини нечоғли бажараётганлигини, у камчилик ва нуқсонларга қанчалик муросасиз эканлигини, хотиржамлик ва бегамликка нақадар ёт эканлигини, турмушда камтарлигини талабчанлик билан тенгируздан ўтказмоқда. Меҳнатдаги ҳар бир амалий одим ҳам, қураш ва ҳаёти, шон-шарафи ва виждони билан партиявийлик принципини қарор топтириш — коммунист-ленинчи деган ғоят масъулиятли номни қондаражада тутиш демакдир!

Идеологик, снёсий-тарбиявий ишлар бутун партиянинг ишидир. Бу чуқур мазмунли ибора социалистик жамият ҳаётида идеология ва тарбиявий ишнинг роли ҳамда аҳамиятини очиб беради. Идеология воситаларининг бой арсенали, хўжалик практикаси, ҳаётимизнинг бутун уклади совет кишисининг энг яхши ғоявий ва маънавий фазилатларини шакллантиришга даъват этилган. Оммабоп, актуал, реалистик ахборот ва тушунтириш ишлари жамиятимиз олдида турган вазифаларни муҳокама қилиш ва ҳал этишга меҳнаткашларнинг тобора кенг оммасини актив жалб этишга кўмаклашмоғи лозим. Бунда буржуа пропагандасининг кирдикорларига қарши актив кураш олиб бориш, ўтмиш сарқитларини, жамиятга зид кўринишларни бартараф этишда куч-ғайратни бирон дақиқа ҳам бўшаштирмаслик керак.

Ҳар бир партия ташкилоти ижобий тажриба билан қуролланиб олиб, янги резерв ва имкониятларни аниқлаб, меҳнаткашларнинг таклифларини диққат-эътибор билан ҳисобга олиб, етилган социал-иқтисодий ва ғоявий-тарбиявий вазифаларни ҳал этишга ўзининг конкрет ҳиссасини қўшади.

Совет кишилари — Октябрь буюк ғалабаларининг меросхўрлари ва давомчиларидир. Уларнинг ижодий бунёдкорлик меҳнатида, юксак ижтимоий активлигида совет тузумимизнинг афзалликлари намоён бўлмоқда. «Буюк революция халқ ижодиётига жуда катта имкониятлар очиб берди» Бу эса В. И. Ленин уқтириб ўтганидек, муваффақиятларимиз ва ғалабаларимизнинг ишончли гаровидир. Совет кишилари келажакка ишонч билан қарайдилар, зотан келажак ҳамиша халқ оммасининг жонли ижоди бўлган жамиятникидир.

* * *

Ўртоқлар!

Меҳнат ҳукмрон бўлган жамиятнинг ташқи снёсати тинчлик снёсати бўлган, шундай снёсат бўлиб қолмоқда ва бундан кейин ҳам шундай бўлади. «Тинчлик инсоният учун мислсиз бойликдир, — деб таъкидлади Леонид Ильич Брежнев. — Тинчлик ва халқлар ўртасидаги ҳамкорлик байроғини В. И. Ленин кўтарган эди. Бу байроққа биз содиқ бўлиб қоламиз».

Ташқи снёсатимизнинг агрессияга ва уруш тайёрлашга қарши курашга, мустаҳкам тинчлик ва халқлар ҳавфсизлиги учун курашга қатъиян йўналтирилганлиги халқаро майдонда Ленин партиясининг, Совет Иттифоқининг обрў-эътиборини беқиёс ошириб юборди. Тинчлик ва инсониятнинг келажагини қадрлаган ҳамма кишилар Октябрь Ватанига, Ленин партиясига, Леонид Ильич Брежневга нигоҳ ташламоқдалар. Унинг янги жаҳон уруши олдини олиш, халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш учун олиб бораётган тинимсиз кураши, ғоят мураккаб халқаро муаммоларни ҳал этишдаги донолиги ва узоқни кўриб иш тутиши ер юзидаги миллион-миллион кишилар қалбида Леонид Ильичга нисбатан чуқур ҳурмат-эҳтиром ва қизғин миннатдорчилик ҳисстуйғуларини уйғотмоқда, тинчлик идеаллари тантанасига бўлган ишончни мустаҳкамлаяпти!

Совет Иттифоқи тинчликни, социал тараққиёт ишини ҳимоя қилиб ва мустаҳкамлаб, қардош социализм мамлакатлари билан ягона сафда бормоқда. Социалистик ҳамдўстлик давлатларининг ҳар томонлама снёсий ҳамкорлиги, иқтисодий, фан-техника, маданий ва ҳарбий соҳаларда уларнинг маҳкам ҳамжиҳатлиги — социализмнинг қудрати ва таъсирини янада мустаҳкамлаш гарови, уруш оловини ёқувчиларнинг ҳар қандай кирдикорларига қарши ишончли қалқондир.

Бу нарса ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг қардош партиялар ва давлатларнинг раҳбарлари билан яқинда бўлиб ўтган учрашувларида яна бир бор таъкидлаб ўтилди. Социалистик давлатларнинг ҳамдўстлиги нечоғли мустаҳкам бўлса, жаҳон социализмининг таъсири шу қадар кучли, халқаро ҳавфсизлик шу қадар ишончли ва тинчлик иши шу қадар мустаҳкам бўлади. Бугунги кунда биз шуни мамнуният билан айта оламизки, барча қийинчиликлар ва тўсиқларга, тарих гилдиракини орқага буриб юборишга бўлган барча уринишларга қарамай, тинчлик ва социализм кучларининг позициялари мустаҳкамланиб бормоқда.

Халқларнинг миллий мустақиллик учун курашдаги антиимпериалистик йўналиш кучаймоқда. Озод бўлган кўпгина мамлакатлар социализм йўлини, социализм қурилиши йўлини танлаб олдилар. Бизнинг ана шу мамлакатлар билан ҳамкорлигимиз тобора кенг қулоч ёзмоқда. Тинчлик ва халқаро ҳавфсизлик учун, эксплуатацияни ва империалистик талончиликни бартараф этиш учун, адолатли жамият қуриш учун курашда улар билан бизнинг орамизда кўпгина жиҳатларда муштараклик мавжудир.

Советлар мамлакати ҳамиша социал адолат, озодлик, халқларнинг порлоқ келажаги учун курашчилар томонидадир!

Уруш ва тинчликнинг энг муҳим масалаларини ҳал этишда халқаро ишчилар ҳаракати тобора активроқ намоён бўлмоқда. Ленин васиятларига содиқ бўлган КПСС коммунистик ҳаракатнинг халқаро обрў-эътиборини ошириш, унинг марксизм-ленинизм негизида жипслашуви учун муттасил кураш олиб бормоқда.

Тинчлик учун, халқларнинг туб эҳтиёжлари ва ҳуқуқларини таъминлаш учун кураш мураккаб вазиятда олиб борилмоқда. Америка империализми ва унинг гумаштаси жаҳон тараққиётининг объектив жараёнини ўзгартиришга, ҳарбий стратегик жабҳада-ги тахминий тенгликни бузиб юборишга интилмоқдалар. Улар кескинликни юмшатишни барбод қилиш, халқаро кескинликни кучайтириш, пойгаларни кучайтириш, ер юзининг турли районларида авантюристик ҳатти-ҳаракатларни авж олдириб юбориш, жазавали антисоветизм йўлига ўтдилар.

Қаерда низоли вазият вужудга келаётган бўлса, Қўшма Штатлар ўша ердаги аҳволни тағин ҳам кескинлаштиришга уринмоқда. Қўшма Штатлар ўз чегараларидан ташқарида ярим миллион кишидан иборат армия сақлаб турибди, эски ҳарбий базаларни кенгайтириб, янгиларини тузмоқда. Қўшма Штатлар ўзининг ғаразгўйлик мақсадларини кўзлаб, халқларнинг ҳаётий манфаатларини назар-писанд қилмай, Яқин Шарқдаги ҳал этилмаган проблемаларни чигаллаштиришга уринмоқда. Ироқ ва Эрон ўртасидаги ҳарбий можаро муносабати билан ҳавфли фитналар тайёрламоқда.

Яқинда Қўшма Штатлар «янги ядро стратегияси»ни эълон қилди. Бу стратегия жаҳоннинг ҳамма жойида табиий норозилик ва қаҳр-ғазаб туғдирди. Милитаристик доиралар ядро қуроли билан дўқ қилишга умид боғламоқдалар. Улар ҳаёсизларча совуққонлик билан бир-биридан кўра авантюристкироқ бўлган ядро уруши вариантларини ишлаб чиқмоқдалар.

(Давоми учинчи бетда).

ЛЕНИН ВАСИЯТЛАРИГА МУВОФИҚ, ОКТЯБРЬ ЙЎЛИДАН

(Боши 1- ва 2- бетларда).

Бундан бир йил муқаддам АҚШ ва унинг НАТОдаги иттифоқчилари Ғарбий Европа мамлакатларида ўртача узоқликни мўлжалга олувчи янги Америка ракета-ядро қуролларини жойлаштириш ҳақида қарор қабул қилдилар. Бу қурол-яроғлар СССР ҳамда Варшава Шартномаси қатнашчилари бўлган бошқа мамлакатларнинг территорияларидаги объектларни мўлжалга олишга қаратилгандир. Бу — жуда хавфли хатти-ҳаракат бўлиб, Европада ҳамда ундан ташқарида қуролланиш пойгасини ва уруш хавфини кучайтириши мумкин.

СССР воқеаларнинг хавфли ривожининг олдини олишга қаратилган муҳим ижобий таклифларни илгари сурди. Айни шу ташаббус Европада ядро қуроли билан қуролланишни чеклаш юзасидан яқинда Женевада музокаралар бошлаб юбориш имконини берди.

Ҳозирги мураккаб халқаро вазиятда партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати тинчлик йўлини ва кескинликни юмшатиш йўлини изчил олиб бормоқда, совет кишиларининг тинч хаётини таъминлаш учун ҳамма зарур ишларни қилмоқда.

Ўз-ўзидан равшанки, АҚШ ташқи сиёсатида тинчлик иши учун ҳавфли тенденциялар кучайганлиги, халқаро проблемаларни зўравонлик позициясидан туриб ҳал этишга интилишлар бўлаётганлиги муносабати билан биз ўзимиз учун тегишли хулосалар чиқариб олмаслигимиз мумкин эмас. Совет Иттифоқи ўзининг хавфсизлигини ва ўз иттифоқчиларининг хавфсизлигини таъминлаш, тинчлик ва тараққиёт ишини ҳимоя қилиш учун барча зарур чораларни кўради. Бунга ҳеч ким шубҳаланмаса бўлади!

Бизнинг АҚШ билан муносабатларимизга келганда, шуни айтиш керакки, бошқа социал системага мансуб ҳар қандай мамлакат билан бўлгани каби бу муносабатлар фақат тенглик, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик, хавфсизлигига путур етказмаслик негизигагина қурилиши мумкин. Совет Иттифоқи тинч-тотув яшаш принципига қатъий риоя қилган ҳолда, АҚШ билан муносабатларда қандайдир бир томонлама имтиёзларни қидирган эмас ва қидирмаяпти, ҳарбий устунликка эришишга интилмаяпти. Биз Совет ва Америка халқларининг манфаатлари йўлида, кескинликни юмшатиш ва тинчликни сақлаб қолиш манфаатлари йўлида Ғарбдаги бу энг йирик мамлакат билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш тарафдоримиз. Бизнинг бу йўлимиз ҳар қандай ора-сира иккиланишлардан ҳоли, барқарор характерга эга бўлган йўлдир. Бунда биз Совет — Америка муносабатларининг аҳволи умуман халқаро вазиятга катта таъсир ўтказишини ҳисобга оламиз. Бу ҳол ҳамиша ва ҳамма нарсадан юксак масъулият ҳисси ҳиссини тақозо этади. Шу муносабат билан Ок уйнинг янги маъмурияти мамлакатларимиз ўртасидаги муносабат масалаларига ижобий ёндашадилар, деб ишонч билдиргимиз келади.

Империализм кучлари билан Пекин гегемонизмининг чирмашиб кетаётганлиги халқларнинг безовталигини кучайтирмоқда. Уларнинг ҳар иккови ҳам бир-бирини Осиёда ҳамда жаҳоннинг бошқа районларида хавфли авантюралар қилишга итариб, ўзларининг агрессив ниятлари ва хатти-ҳаракатларини «Совет ҳарбий хавфи» деган сохтакорликлар билан ҳақ-пўшламоқчи бўлмоқдалар. Жамоатчилик фикрини чалғитишга эришиш имкониятлари қанчалик кам бўлса, Советларга қарши маддоҳларнинг овози шу қадар жазавали чиқмоқда. Совет Иттифоқи ўзининг сиёсати, ўзининг ишлари билан аллақачон шу нарсани исботлаб берганки, у ҳеч кимга таҳдид қилаётгани йўқ ва таҳдид қилишга уринмаяпти ҳам. Бу гап Хитойга ҳам тўла-тўкис тааллуқлидир. Биз Хитой билан ҳам нормал муносабатларда бўлиш ва бу муносабатларни ривожлантиришга тайёрмиз.

Афғонистон революцион халқининг қаҳрамонона кураши, Совет Иттифоқининг ёрдами ҳамда эрксевар халқларнинг қўллаб-қувватлаши туфайли жаҳон реакциясининг революцион Афғонистонга қарши фитнаси барбод бўлди. Афғонистонга қарши кампаниянинг илҳомчилари, аввало АҚШ, Покистон ва Хитойдаги илҳомчилари афғон халқининг тараққиёт йўлини бекита олмадилар. Совет Иттифоқининг жанубий чегарасида кескинликнинг яна бир ўчоғини ярата олмадилар.

Ўртоқ Бабрак Кармалнинг яқинда мамлакатимизга қилган визити, унинг совет раҳбарлари билан олиб борган музокаралари бизнинг мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар — қардошлик, революцион бирдамлик ва ҳар томонлама ҳамкорлик муносабатлари эканлигини яна бир бор намойиш қилди.

«Афғонистон янги жамият қуриш учун курашда, ўз революциясининг ғалабаларини ҳимоя қилишда, деди ўртоқ Леонид Ильич Брежнев. бундан буён ҳам Совет Иттифоқининг, совет халқининг мададига таяниши мумкин».

Ўртоқлар, ишонч билан айтиш мумкинки, тинчлик кучлари уруш кучларидан кўра кудратлидир! Жаҳон халқлари ҳарбий хавфни жиловлашлари, ўз келажагини давлатларнинг тинч-тотув ҳамкорлиги билан эмас, балки улар ўртасидаги карама-қаршиликка, қуролланиш пойгасини чексиз давом эттиришга боғлаётган доираларнинг режаларини барбод этишлари мумкин ва лозим. Шу олижаноб мақсадга эришиш йўлида партиямиз, совет халқи кучғайратини аямайди.

Биз ўзаро манфаатларни оқилона ҳисобга олган ҳолда музокаралар йўли билан ҳал этилиши мумкин бўлмаган халқаро проблемалар йўқ, деб ҳисоблаймиз. Совет Иттифоқи ҳар қандай қуролярогларни ва аввало ядро қуролини қисқартириш ёки тақиқлаш тўғрисида, оммавий қирғин қуролларининг янги турларини ва системаларини ишлаб чиқаришнинг олдини олиш ҳақида музокаралар олиб боришга тайёр-дир.

«Афғонистон янги жамият қуриш учун курашда, ўз революциясининг ғалабаларини ҳимоя қилишда, деди ўртоқ Леонид Ильич Брежнев. бундан буён ҳам Совет Иттифоқининг, совет халқининг мададига таяниши мумкин».

Ўртоқлар, ишонч билан айтиш мумкинки, тинчлик кучлари уруш кучларидан кўра кудратлидир! Жаҳон халқлари ҳарбий хавфни жиловлашлари, ўз келажагини давлатларнинг тинч-тотув ҳамкорлиги билан эмас, балки улар ўртасидаги карама-қаршиликка, қуролланиш пойгасини чексиз давом эттиришга боғлаётган доираларнинг режаларини барбод этишлари мумкин ва лозим. Шу олижаноб мақсадга эришиш йўлида партиямиз, совет халқи кучғайратини аямайди.

Биз ўзаро манфаатларни оқилона ҳисобга олган ҳолда музокаралар йўли билан ҳал этилиши мумкин бўлмаган халқаро проблемалар йўқ, деб ҳисоблаймиз. Совет Иттифоқи ҳар қандай қуролярогларни ва аввало ядро қуролини қисқартириш ёки тақиқлаш тўғрисида, оммавий қирғин қуролларининг янги турларини ва системаларини ишлаб чиқаришнинг олдини олиш ҳақида музокаралар олиб боришга тайёр-дир.

Варшава Шартномасида қатнашувчи мамлакатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг май ойида бўлиб ўтган кенгаши тинчликни мустаҳкамлаш ҳамда кескинликни юмшатишни кучайтириш юзасидан конкрет қадамлар кўйишнинг кенг ва ижобий программасини илгари сурди.

СССРнинг таклифига биноан БМТ Бош Ассамблеясининг ушбу сессиясида «Ҳарбий хавф-хатарни камайтиришнинг баъзи кечиктириб бўлмайдиган тадбирлари ҳақида»ги масала кўриб чиқилмоқда. СССРнинг қуролсизланиш ва хавфсизликни мустаҳкамлаш юзасидан киритган бошқа таклифлари ҳам ўз кучида турибди.

Биз Умумевропа кенгаши катнашчилари бўлган мамлакатлар вакилларининг Мадридда бўладиган учрашувида муваффақиятни таъминлаш учун муносиб ҳисса қўшишга тайёрмиз. Бу учрашув Европада ҳарбий кескинликни юмшатиш ва қуролсизланиш юзасидан бўладиган конференция учун йўл очиб бериши мумкин бўлур эди.

Ташқи иқтисодий алоқалар тинчликни мустаҳкамлаш ишида жиддий роль ўйнамоқда. Биз ўзимиз билан ўзаро мақбул ва ўзаро манфаатли шартлар асосида ишлаб боришни хоҳлаганларнинг ҳаммаси билан ҳамкорликни ривожлантираверамиз. Бундай мамлакатлар сони камаймасдан, балки кўпайиб бораётганлигини кўриб турибмиз. Совет Иттифоқи ўзининг мажбуриятларини аниқ бажараверади. Шерикларимизнинг ҳам худди шундай иш кўришини истардик.

Октябрь Ватани ленинча тинчликсевар ташқи сиёсатни изчил ва оғишмай амалга оширмоқда. Бу сиёсатни бутун совет халқи маъқулламоқда ва қўллаб-қувватламоқда. КПСС, унинг Марказий Комитети тинчлик байроғини дадил олға кўтариб бормоқда.

Биз халқларнинг недажаги — уруш ва вайроналиклар эмас, балки тинчлик ва бунёдкорлик, яхши қўшничилик ҳамкорлигидан иборат бўлишига ишончимиз комилдир.

Биз худди шундай истиқбол учун бундан буён ҳам бутун куч-ғайратимизни сарфлаб курашаверамиз!

Ўртоқлар! Ленин партияси, халқимиз зиммасига дунёни революцион янгилаш йўлини, инсоният тарихида янги даврни очиб беришдек юксак шараф ва масъулият тушган эди.

Октябрь йўлида Советлар мамлакати оламшумул тарихий ғалабаларга эришди. Бу йўл коммунизм ва тинчликнинг нурафшон идеаллари тантанаси сари олиб боради. Буюк революция мана шу идеаллар тантана қилиши учун амалга оширилган эди.

Коммунистлар, барча совет кишилари бутун прогрессив инсоният билан биргаликда Октябрнинг 63 йиллигини тантанали сари олиб борадя. Буюк революция мана шу идеаллар тантана қилиши учун амалга оширилган эди.

Коммунистлар, барча совет кишилари бутун прогрессив инсоният билан биргаликда Октябрнинг 63 йиллигини тантанали байрам қилар эканлар, янги ажойиб муваффақиятларга эришиш, КПСС XXVI съездини муносиб қутиб олиш учун астойдил ва зўр қарор қилганлар.

Яшасин коммунизм бунёдкори, бутун дунёда тинчлик учун изчил курашчи — улуғ совет халқи!

Яшасин совет жамиятининг раҳбар ва раҳнамо кучи — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

Улуғ Октябрга шон-шарафлар!

(Н. А. Тихоновнинг доклади давомли қарсаклар билан бир неча марта бўлинб турди).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА АРХИТЕКТУРА СОҲАСИДА 1980 ЙИЛГИ СССР ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети СССР Министрлар Совети ҳузуридаги адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Ленин ва СССР Давлат мукофотлари комитетининг таклифларини кўриб чиқиб, 1980 йилги СССР Давлат мукофотларини қуйидагиларга беришга қарор қиладилар:

1. Балет икодкорлари — СССР халқ артисти, композитор Фикрет Мешади Жамил ўғли **Амировга**, Озарбайжон ССРда хизмат кўрсатган саноат арбоби, балетмейстер Нела Мамедовна **Назировага**, Озарбайжон ССР халқ артисти, дирижёр Нозим Асадулла ўғли Рзаевга, Озарбайжон ССР халқ рассоми, спектакль рассоми Тўғрул Фармонович **Нарымонбековга**, ролларнинг ижрочилари — Озарбайжон ССР халқ артисти Тамилла Худадатовна **Ширалиевага**, Озарбайжон ССРда хизмат кўрсатган артист Раҳиля Гургенович **Григорьянга**, — М. Ф. Охунов номидаги Озарбайжон давлат академик опера ва балет театридаги «Минг бир кеча» балети учун.

2. Драматург Алексей Николаевич **Арбузовга** — сўнгги йиллардаги пьесалари учун.

3. Архитекторлар — Татьяна Ивановна **Беляевага**, Александр Айзикович **Линковга**, конструктор инженер Цецилия Самуиловна **Жилицкаяга**, қурувчи инженер Викентий Александрович **Желудковскийга** — Алушта шаҳридаги «Чайка» пансионат-лагери комплексининг архитектураси учун.

4. Архитекторлар — Аркадий Борисович **Бергельсон**га, Бошқирдистон АССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Георгий Иванович **Гаврилов**га, Валентина Ильинична **Коркина**га, СССР халқ архитектори Михаил Васильевич **Посохин**га, конструктор инженерлар — РСФСРда хизмат кўрсатган бинокор Юрий Абрамович **Диховичний**га, Игорь Иванович **Крайюшкин**га, инженер, халқ депутатлари Москва шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Владимир Федорович **Промисловга**, РСФСР ва Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор, қурувчи инженер Михаил Павлович **Коханенкога**, комплекс бригада бошлиғи Владимир Андреевич **Солозобовга**, — Москва шаҳридаги Тропарево районидаги кўп қисминнинг архитектураси учун.

5. Грузия ССР халқ артисти, сценарий автори ва режиссёр Лана Левановна **Гоголеридзега**, сценарий авторлари — Заира Ивановна **Арсенишвилига**, Эрлом Сергеевич **Ахвледианига**, опера-тор Нугзар Исидорович **Эркомайшвилига**, Грузия ССР халқ рассоми Христесий Иванович **Лебанидзега**, Грузия ССР ва Арманистон ССР халқ артисти, роль ижрочиси Софья Михайловна **Чиаурелига** — «Шахсий масалалар ҳусусида бир неча суҳбат» бадиий фильми учун.

6. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид **Ғулом** (Ҳамид Убайдуллаевич Ғуломов)га — «Мангулик» романи учун.

7. Ёзувчи Павел Архипович **Загребельний**га — «Жадаллик» романи учун.

8. СССР халқ артисти, композитор Дмитрий Борисович **Кабалевскийга** — оркестр иштирокида фортепьянода ижро этиладиган 4- концерт («Прага») учун (Болаларга аталган адабиёт ва санъат асарларига бериладиган мукофот).

9. Сценарийлар автори ва эшиттиришни бошқарувчи Александр Александрович **Каверзневга** — «Мао борислари» телевизион цикли ҳамда «Куба портретлари», «Пномпень баҳор» ҳужжатли фильмлари учун.

10. Физика-математика фанлари доктори, профессор, программа автори ва бошқарувчиси Сергей Петрович **Капицага**, сценарийлар ва программалар автори Лев Николаевич **Николаевга** — «Мўъжизасиз - мўъжизалар» телевизион программаси (кейинги йиллардаги сонлари) ва «Ноиложликнинг иложи», «Тирик қоинот» «Сир» фильмлари учун.

11. РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, санъатшунослик доктори Владимир Семёнович **Кеменовга** — «Веласкес картиналари», «Веласкес СССР музейларида» китоблари учун.

12. Драматург Алексей Федотович **Коломийц**га, режиссёрлар — Украина ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Владимир Николаевич **Оглоблинга**, Украина ССР халқ артисти Сергей Владимирович **Данченкога**, ролларнинг ижрочилари — Украина ССР халқ артисти Валерий Михайлович **Ивченкога**, Украина ССР халқ артисти Богдан Сильвестрович **Ступкага** — Иван Франко номли Киев давлат Украина академик драма театрида ги сўнгги йиллар спектакллари (А Коломийцнинг «Ёввойи фариштa», А. Чеховнинг «Ваня тоға» асарлари) учун.

13. СССР халқ артисти Ирина Александровна **Колпаковага** — С. М Киров номли Ленинград давлат академик опера ва балет театрида сўнгги йиллар балет спектакларида классик ва замонавий репертуар партияларининг ижроси учун.

14. РСФСР халқ артисти, сценарий автори ва режиссёр Алексей Николаевич **Сахарова**, сценарий авторлари — РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Валентин Константинович **Черныха**, Рудольф Константинович **Тюринга**, рассом Александр Николаевич **Толкачева**, ролларнинг ижрочилари — РСФСРда хизмат кўрсатган артист Сергей Каюмович **Шакуровга**, Валерий Николаевич **Ржаковга**, Эрнст Иванович **Романовга**, РСФСРда хизмат кўрсатган артист Наталья Утевлевна **Аринбасаровага**, Қозоғистон ССР халқ артисти Идрис **Нўғойбоевга**, Нуржуман Бойжуманович **Ихтимбоевга** — «Нон таъми» 4- сериали бадиий фильм учун.

15. СССР халқ артисти композитор Георгий Васильевич **Свиридовга** — «Пушкин гулчамбари» хорида ижро этиладиган концерт учун.

16. Эстония ССРда хизмат кўрсатган рассом, хайкалтарош Яак Георгиевич **Соанс**га, архитектор Рейн Энделевич Луупага, — Таллин шаҳрида ёзувчи А. Таммсаар ҳайкали учун.

17. Академик Михаил Борисович **Храпченкога**, — «Бадиий ижодиёт, воқелик, инсон» китоби учун (2-нашри).

18. Архитекторлар—Озарбайжон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, ҳайкал тарош Омар Гасанович **Эльдоровга**, Озарбайжон ССРда хизмат кўрсатган архитектор Александр Петрович **Агароновга**, Рустам Жалолиддинович **Каримовга**, — Душанбе шаҳрида Садриддин Айний ёдгорлик ансамбли учун.

КПСС Марказий Комитетининг Секретари
Л. БРЕЖНЕВ

СССР Министрлар Советининг Раиси
Н. ТИХОНОВ

ЛАВОЗИМГА САЙЛАНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

Л. И. Брежнев ва Н. А. Тихонов ўртоқлар Г. Шмидтга қуйидаги мазмунда телеграмма йўлладилар:

Муҳтарам федерал канцлер жаноблари,

Сиз Германия Федератив Республикаси ҳукуматининг бошлиғи қилиб сайланганлигингиз муносабати билан қутловларимизни ва шу масъулиятли лавозимдаги фаолиятингизда муваффақиятлар тилаб билдирган истакларимизни қабул қилгайсиз.

Совет Иттифоқи билан Германия Федератив Республикаси ўртасидаги муносабатлар 1970 йил 12 август Шартномаси ва мамлакатларимиз ўртасида тузилган бошқа битимлар асосида бундан буён ҳам ижобий ривожланаверади, деб умид билдирамиз. СССР билан ГФР ўртасида турли соҳаларда ҳамкорлик изчиллик билан кенгайиши давлатларимиз халқларининг туб манфаатларига шубҳасиз мос бўлиб тушади, тинчликни таъминлаш ва халқаро кескинликни юмшатиш ишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

* * *

Рональд У. Рейган Америка Қўшма Штатларининг президенти лавозимига сайланиши муносабати билан Л. И. Брежнев унга табрик телеграммаси йўлланди.

Телеграммада бундай дейилади:

«Сизнинг бу юксак лавозимдаги фаолиятингиз мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни Совет ва Америка халқларининг манфаатларини, тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб яхшилашга хизмат қилади, деб умид билдирамиз».

(ТАСС).

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

САМАРҚАНД, 6 ноябрь. (ЎзТАГ). Самарқанд область партия комитетининг бугун бўлиб ўтган пленуми қатнашчилари КПСС XXV съезди қарорлари асосида область халқ хўжалиги тармоқларида ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш ва иш сифатини яхшилаш тадбирларини муҳокама қилдилар. Область партия комитетининг биринчи секретари Б. Р. Раҳимов доклад қилди.

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессиясига келаётган депутатлар 10 ноябрь эрталаб соат 10 дан кечгурун соат 19 гача Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми биносида рўйхатга олинади.

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ИККИНЧИ СЕССИЯСИ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўнинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессияси 11 ноябрь эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Мажлислар залида очилади.

КРЕМЛДА СУҲБАТ

5 ноябрь куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети-нинг Раиси Н. А. Тихонов Социалистик Эфиопия Муваққат ҳарбий маъмурий кенгаши (МҲМК) Раиси, Эфиопия Меҳнаткашлар партияси ташкилот комиссияси (ЭМПТК) Раиси Менгисту Хайле Мариам билан суҳбатлашди.

Суҳбат чоғида ҳар икки томонни қизиқтирувчи бир қанча масалалар юзасидан фикрлашиб олинди. Ҳар икки томон Совет — Эфиопия дўстона муносабатларининг самарали ривожланаётганлигидан мамнун эканлигини изҳор этди ва Москвада олий даражада бўлиб ўтган музокараларнинг яқунлари асосида Совет Иттифоқи билан Социалистик Эфиопия ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни янада кенгайтиришнинг қулай истиқболларини таъкидлаб ўтди.

Менгисту Хайле Мариам ўзининг Совет Иттифоқида бўлишидан мамнун эканлигини билдирди ва Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллиги арафасида совет халқига Эфиопия кенг меҳнаткашлар оммасининг самимий саломини топшириб, ударга коммунистик қурилиш ишида, бутун дунёда тинчликни сақлаш ишида муваффақиятлар тилади.

Суҳбат дўстлик ва ҳамжиҳатлик вазиятида ўтди.

Суҳбатда МҲМК доимий комитетининг ва ЭМПТК ижроия комитетининг аъзоси, ривожланиш ва марказий планлаштириш умуммиллий революцион кампания-сини ўтказиш олий кенгаши раисининг ўринбосари Аддис Тедла иштирок этди.

(ТАСС).

ОКТЯБРЬ ҒОЯЛАРИНИНГ ТАНТАНАСИ

Республиканинг шаҳар ва қишлоқлари қирмизи байроқлар билан безанib, байрам либосига бурканди. Ўзбекистон меҳнаткашлари Улуғ Октябрь байрамини КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленумининг қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг самимий табрикномаси туфайли вужудга келган юксак меҳнат ғайрати ва сиёсий активлик жўш урган бир вазиятда нишонламоқдалар. Ўртоқ Л. И. Брежнев Ўзбекистон деҳқонларини, барча меҳнаткашларини ажойиб ғалаба билан муборакбод қилди. Мамлакат ундан 6 миллион тоннадан кўпроқ Ўзбекистон пахтасини олди.

Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашларининг вакиллари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, Тошкент гарнизонининг жангчилари 6 ноябрь куни Навоий номли давлат академик Катта театрига шонли санага бағишланган тантанали йиғилишга келдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, И. Б. Усмонхўжаев, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. Маҳмудов, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари К. А. Аҳмедов, Р. С. Ашуралиев, В. П. Есин, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони генерал-полковник Ю. П. Максимов мажлис президиумига чиқадилар. Ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, революцион ҳаракат ветеранлари, Совет Армиясининг генераллари улар билан бирга эдилар.

Тантанали мажлисни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров очади.

Содиқ ленинчи, халқлар тинчлиги ва бахт-саодати йўлидаги толмас курашчи Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ғоят баланд руҳ билан мажлиснинг фахрий президиумига сайланади.

Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллиги тўғрисида доклад қилди. У барча совет кишилари каби Ўзбекистон меҳнаткашлари олдида ҳам озодлик ва чинакам бахт-саодатнинг порлоқ йўлини очиб берган Улуғ Октябрь ғояларининг тантанаси тўғрисида, шаҳар ва қишлоқларнинг меҳнаткашлари байрамни ажойиб муваффақиятлар билан кутиб олаётганликлари ҳақида, улар КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини социалистик Ватан бахт-саодати йўлида янги зафарлар билан нишонлашга азму қарор берганликлари тўғрисида гапирди.

Тантанали мажлис қатнашчилари учун катта байрам концерти қўйиб берилди.

(ЎзТАГ).

СССР мудофаа министрининг

БУЙРУҒИ

1980 йил 7 ноябрь **№ 295** **Москва шаҳри**

Солдат ва матрос, сержант ва старшина ўртоқлар!

Прапорщик ва мичман ўртоқлар!

Офицер, генерал ва адмирал ўртоқлар!

Совет Қуролли Кучларининг ветеранлари, ўртоқлар!

Бугун Совет Иттифоқи меҳнаткашлари, армия ва флот жангчилари, бутун тараққийпарвар инсоният Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллигини тантанали равишда нишонламоқдалар. Совет кишилари бу шонли санани катта сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги вазиятида кутиб олмоқдалар. Бутун мамлакатда КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа кенг авж олдириб юборилди. Коммунистик партия тезарагида маҳкам жипслашган ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва халқ зиёлилари ўнинчи беш йиллик топшириқларини ва шу йил планини муваффақиятли бажариш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Халқимиз коммунистик қурилишда эришган муваффақиятлари билан ҳақли равишда фахрланади. Ўтган йиллар мобайнида саноат, қишлоқ хўжалиги, фан ва маданиятни ривожлантиришда янги жуда катта қадам қўйилди. Халқ моддий фаровонлигини юксалтиришнинг кенг программаси амалга оширилди. Социалистик ҳамдўстликдаги қардош мамлакатлар ўз социал-сиёсий ва иқтисодий тараққиётида катта муваффақиятларга эришдилар. Дўстлигимиз ва жипслигимиз тобора кўпроқ мустаҳкамланиб бормоқда.

Ташқи сиёсатнинг ленинча принципларига содиқ бўлган партиямиз Марказий Комитети, КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси, Совет ҳукумати, шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Советн Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев тинчликни сақлаш ва кескинликни юмшатиш, қуролланиш пойгасини жиловлаш, қуролсизланиш йўлини изчиллик билан оғишмай ўтказиб келмоқдалар.

Бироқ халқаро вазият ҳамон мураккаб бўлиб қолмоқда. Реакцион империалистик кучлар бу вазиятни кескинлаштирмоқдалар, ўз истакларини суверен давлатларга мажбуран қабул қилдириш йўлидаги уринишлардан воз кечмаяптилар. Улар кескинликни юмшатилишини тугатишга, инсоният янги «совуқ уруш» гирдобига тортишга интилмоқдалар. АҚШ, НАТОнинг бошқа мамлакатларининг милитаристик актив-лиги билан кескинлик авж олдирилмоқда, улар вужудга келган ҳарбий-стратегик тенгликни ўз фойдаларига бурмоқда интилмоқдалар. Империализм билан Пекин гегемонизмининг шериклиги тинчлик иши учун тобора кўпроқ хавф туғдирмоқда.

Бундай шароитда Коммунистик партия билан Совет давлати мамлакатнинг мудофаа қобилиятини кучайтириш, Қуролли Кучларнинг ҳушёрлиги ва жанговар тайёрлигини ошириш учун барча зарур ишларни қилмоқдалар. Коммунизм ишига чексиз содиқ бўлган армия ва флот жангчилари ўз-ларига юклатилган жанговар техника ва қуролярогларни қунт билан эгаллаб олмоқдалар, ўзларининг далада ги, ҳаводаги ва денгиздаги бирлашмаларини такомиллаштирмоқдалар, Коммунистик партия, совет халқи ва унинг Қуролли Кучларининг шонли революцион, жанговар ва меҳнат анъаналарини авайлаб сақламоқдалар ва кўпайтирмоқдалар. Улар социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг қардош армиялари билан ягона жанговар сафда туриб, буюк революцион ғалабаларини ҳушёрлик билан қўриқлаб турибдилар ва ҳар қандай агрессияга қақшатқич зарба беришга ҳамиша тайёрдирлар.

Армия ва флот жангчилари ўртоқлар! Қуролли Кучларнинг ветеранлари, ўртоқлар!

Сизларни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллиги билан қутлайман. Жанговар ва сиёсий тайёргарлик сифатини оширишда, жанговар тайёрликни такомиллаштиришда, КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олишда сизларга янгидан-янги муваффақиятлар тилайман. Совет халқи ғалабаларини, Ватанимизнинг давлат манфаатларини ҳимоя қилишга ҳамиша шай бўлиб турингиз

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллигини нишонлаш юзасидан БУЮРАМАН:

Бугун, 7 ноябрь маҳаллий вақт билан соат 21 да Ватанимиз пойтахти — қаҳрамон Москва шаҳрида, иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида, қаҳрамон шаҳарлар Ленинград, Волгоград, Севастополь, Одесса, Новороссийск, Керчь, Тулада, қаҳрамон Брест қалъасида, шунингдек Калининград, Львов, Ростов-Дон, Куйбишев, Свердловск, Новосибирск, Чита, Хабаровск, Владивосток ва Североморск шаҳарларида тўплардан бир йўла 30 марта ўқ узиб байрам артиллерия салюти берилсин.

Яшасин Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллиги!

Яшасин шавкатли СССР Қуролли Кучлари!

Барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар!

СССР мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали
Д. УСТИНОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми узоқ йил самарали ишлаганлиги, қишлоқ хўжалигини механизациялашни ривожлантиришда актив иштирок этганлиги учун ва туғилган кунига етмиш йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш-техника таъминоти давлат комитети илмий-техника кенгашининг раиси ўртоқ Владимир Михайлович Френкинни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

РЕВОЛЮЦИОН АНЪАНАЛАРГА САДОҚАТ

Поездан тушиб шаҳримизга ташриф буюрган меҳмонларнинг нигоҳи энг аввало 14 Туркистон комиссари хотирасига ўрнатилган салобатли ёдгорликка тушади. Ёдгорлик қаршисида алангаланиб турган мангу олов, қаҳрамонлар пойига қўйилган анвойи гуллар ҳамшаҳарларимизнинг инқилоб шуҳратларига бўлган меҳр-муҳаббати рамзидир.

Тарихий кунларда ёдгорлик атрофида революция ветеранлари, пионер ва комсомоллар билан гавжумлашиб кетади. Улар инқилоб шуҳратларини хотирасини ёдга олгани келиб оталар бошлаган улуғ ишларга содиқ эканликларини изҳор этадилар.

Районимизда Улуғ Октябрь революцияси билан боғлиқ бўлган бундай муқаддас қадамжолар анчагина. Октябрь революцияси номли тепловоз-ремонт заводи, Тошкент темир йўли каби қатор корхоналар ва муассасалар тарихи бевосита инқилоб воқеалари билан боғлангандир.

Революциянинг шонли анъаналари, ленинизм ғояларига чексиз садоқат районимиз меҳнаткашларининг бутун ҳаётларига сингиб кетган. Буни уларнинг шу кунлардаги меҳнат кўтаринкиликларида ҳам кўрса бўлади. 48 миллат вакилларидан иборат 152 мингдан ортиқ киши ягона оила фарзандларидек яшаб, партия ва ҳукуматимиз белгилаб берган режаларини шараф билан адо этмоқдалар. 293 та бошланғич партия ташкилоти ҳисобидаги 13112 нафар коммунист район меҳнаткашларининг ўнинчи беш йилликни катта зафарлар билан нишонлаш, партиямизнинг бўлажак XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун авж олдириб юборилган социалистик мусобақасига бошчилик қилмоқда.

Районимизда 21 та саноат корхонаси мавжуд. Улар электровакуум жиҳозлари, турли медицина дори-дармонлари, пўлат ва чўян, тикувчилик ва бошқа кўплаб хил маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Районимиз саноат корхоналарининг маҳсулотлари мамлакатимизнинг турли бурчакларига, шунингдек, қирқта чет эл мамлакатига юборилияти. Реализация қилинаётган маҳсулот ҳажми 300 миллион сўмдан ошиб кетди.

Саноат корхоналари коллективлари ўнинчи беш йилликда катта зафар қучмоқдалар. Меҳнаткашларимиз шу йилнинг 24 февралидаёқ ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш суръати бўйича беш йиллик план-топшириғини муддатидан илгари бажаришди. Маҳсулот реализация қилиш беш йилликда 51,3 процентга, меҳнат унумдорлиги 53,4 процентга ошди. Қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилиши саноат корхоналаримизга беш йиллик мобайнида пландан ташқари 37 миллион сўмлик маҳсулотни реализация қилиш имконини берди. Коллективларимизнинг КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш бўйича қабул қилган қўшимча социалистик мажбуриятлари ҳам муваффақиятли адо этилмоқда. Шу йилнинг ўзида планга қўшимча равишда 4,8 миллион сўмлик маҳсулотни реализация қилиш мўлжалланган дир.

Ўнинчи беш йилликнинг сўнгги йили план ва мажбуриятлари ҳам шараф билан адо этилияпти. Райондаги барча саноат корхоналари техника-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича ўн ойлик планни муддатидан илгари бажардилар. Районда маҳсулот реализация қилиш, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планлари ошириб бажарилди. Октябрь ойининг ўзида пландан ташқари 1 миллион 65 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

Бундай муваффақиятларга эришишда районда социалистик мусобақа кенг йўлга қўйилганлиги катта ёрдам беряпти. Ҳозир бу мусобақада қарийб 50 минг киши иштирок этмоқда. Шуларнинг 16 мингдан ортиғи коммунистик меҳнат зарбдори, 800 дан зиёд бригада эса коммунистик меҳнат коллективи деган шарафли номга эга. Мусобақанинг олдинги сафларида коммунистлар бормоқдалар. Улар орасида шаҳар меҳнаткашлари намойишида район байроғини кўтариб ўтиш шарафига эга бўлган Анвар Муҳамедов ҳам бор.

КПСС Марказий Комитети октябрь Пленумининг халқ турмуш фаровонлигини оширишга йўналтирилган қарорларидан руҳланган «Қизил тонг» тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи байрамга муносиб совғалар билан келди. Кейинги йилларда кенг истеъмол моллари етказиб бериш соҳасида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Корхонани реконструкция қилиш ва кенгайтириш ишлари, маҳсулот сифатини ошириш, истеъмолчилар талабини қондиришга йўналтирилган бир қанча комплекс чоралар шулар жумласидандир.

Қутлуғ айём кунида районимизнинг энг яхши кишилари номларини тилга олиб ўтмоқчимиз. Социалистик мусобақа илғорлари сафида бораётган «Қизил тонг» ишлаб чиқариш бирлашмаси чевари З. Раҳимова, 1-авторемонт заводи слесари В. Переверзев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти босмахонасининг ҳарф терувчиси Л. Буравлева, Тошкент пассажир станцияси навбатчиси А. Ципляковлар район меҳнат шуҳрати китобига янги саҳифалар битмоқдалар.

Район партия ташкилотининг жуда катта мақсадга йўналтирилган иши, бутун коммунистларнинг фаолияти ва шахсий намунаси туфайли шундай салмоқли ютуқларга эришмоқдамиз. Бу муваффақиятлар замнинда корхона ва муассасалар бошланғич партия ташкилотларининг доимий ташкилий ва тарбиявий ишлари, ишлаб чиқариш раҳбарларининг ғамхўрлиги, ишчилар ва инженер-техник ходимларининг ижодий ташаббуслари ётибди.

Буюк доҳий номи билан юритилувчи районимиз аҳли улуғ айём шарафига янги-янги ўўқишларни кўзлаб меҳнат қилмоқда. Кишиларимизнинг ҳар бир ишида районда барҳаёт революцион анъаналарга чексиз садоқат руҳи сезилиб турибди.

Шубҳа йўққи, энг кекса район меҳнаткашлари коммунистлар бошчилигида ўнинчи беш йилликнинг сўнгги йилини ва умуман беш йилликни улкан зафарлар билан нишонлайдилар, партиямизнинг бўлажак олий анжуманига катта тўҳналар билан борадилар. Бу — уларнинг шарафли ва масъулиятли бурчларидир. Юксак ном ҳаммамизни шунга даъват этади.

Т. ҲАЙДАРОВ,
Ўзбекистон КП Ленин район комитетининг иккинчи секретари.

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

(Боши 1-бетда).

Байроқ ғалаба районидан олиб берилади.

Паркент районидаги «Коммунист» совхозига (директори И. Отажонов, партия комитетининг секретари М. Муротов, ишчилар комитетининг раиси С. Ҳусанов, комсомол комитетининг секретари В. Давиров, бош агроном А. Турсуматов ўртоқлар). Бу совхоз давлатга сабзавот топшириш йиллик планини 148 процент, картошка бўйича 131,5 процент, ҳўл мева бўйича 101 процент, узум бўйича 100 процент бажарган ва октябрь ойининг учинчи ўн кунлигида йиллик планга нисбатан сабзавот сотишда 6,2 процент, картошка сотишда 32 процент ўсишга эришган.

Байроқ Оҳангарон районидаги Будённий номли совхоздан олиб берилади.

Оржоникидзе районидаги «Октябрь» колхозига (раиси Н. Маҳкамов, партия комитети секретари С. Абдуллаев, касаба союз комитетининг раиси У. Ғоипов, комсомол комитетининг секретари А. Расулматов, бош агроном А. Турсуматов ўртоқлар) берилди. Бу колхоз давлатга сабзавот сотиш йиллик планини 106,1 процент, картошка бўйича 98,1 процент, ҳўл мева бўйича 220 процент, узум бўйича 123,2 процент бажарган ва октябрь ойининг учинчи ўн кунлигида йиллик планга нисбатан сабзавот сотишда 3,2 процент ўсишга эришган.

Байроқ Тошкент районидаги «Ленин йўли» колхозидан олиб берилади.

Оҳангарон район матлубот жамияти тайёрлов идорасига (директори А. Г. Андрясов, партия ташкилотининг секретари В. Н. Прокудина, ишчилар комитетининг раиси Л. В. Палий ўртоқлар). Бу контора сабзавот тайёрлаш йиллик планини 229 процент, картошка бўйича 104,4 процент, ҳўл мева бўйича 129,4 процент бажарган ва октябрь ойида сабзавот тайёрлаш бўйича йиллик планга нисбатан 64,5 процент, картошка бўйича 14,6 процент ўсиш таъмин этилган.

Байроқ Бўстонлиқ район матлубот жамияти тайёрлов идорасидан олиб берилади.

«Ташлодовошч» шаҳар бирлашмаси Фрунзе улгуржи чакана савдо идорасига (директори А. Вартазаров, партия ташкилоти секретари К. Горскова, касаба союз комитетининг раиси М. Бекмуродов ўртоқлар). Бу идора сабзавот тайёрлаш йиллик планини барча ҳиллари бўйича 109,3 процент, картошка бўйича 132,3 процент бажарган ва октябрь ойида йиллик планга нисбатан сабзавот тайёрлашда 34,8 процент, картошка бўйича 27,6 процент бажарган.

Байроқ «Ташплодоовошч» Ленин район улгуржи-чакана савдо конторасидан олиб берилади.

Область план бўлимига Оҳангарон, Бўка районларига, «Коммунист» совхозига, «Октябрь» колхозига, Оҳангарон район матлубот жамияти тайёрлов идорасига, Тошкент шаҳар ижроия комитети Фрунзе район улгуржи-чакана савдо идорасига социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.



Тошкент шаҳар ижроия комитетининг декоратив бўғдорчилик совхозида етиштирилаётган анвойи гуллар кимнинг ҳам кўзини қувонтирмайди дейсиз. Нозик дидли гулчилар бугунги байрам шодиёнаси муносабати билан пойтахтимиз меҳнаткашларига юз минглаб гулдасталар тақдим этишди.

Суратда: совхознинг 2-бўлим гулчилари Умри Баҳодирова ва Шарифа Юнусхўжаевалар гулзорда.

В. Сироткин фотоси.

МАЖБУРИЯТ БАЖАРИЛДИ

Пойтахтимизнинг Хуршид кўчасида тўрт қаватли янги турар-жой биноси қурилиши сентябрь ойида бошланган эди. Ҳозирги кунга келиб учинчи қаватни тиклаш ишлари амалга оширилияпти. 159-қурилиш трести 22-қурилиш бошқармасининг коммунистик меҳнат зарбдорлари бўлган уч бригадаси коллективлари янги бинони йил охиригача фойдаланишга топширишга аҳд қилишган.

В. Видер бошлиқ бригада йиллик планни 5 ноябрда бажариб, пландагига қўшимча 50 минг сўмлик иш бажаришга ваъда беряпти. Бригаданинг кўп ишчилари аралаш касбларни эгаллаб олганлиги муваффақиятлар гарови бўляпти. Б. Каримбердиев, А. Норимов, Е. Калашников, Ю. Зубков, А. Шахмамедовлар шулар жумласидандир.

Объектда Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Абдуазим Юнусов бошлиқ бригада коллективи ҳам намуна кўрсатиб ишлаяпти. Улар йиллик планни шу йилнинг июнь ойида адо этиб, айни кунларда ўн биринчи беш йиллик руҳи билан яшамоқдалар. Ҳар ойда пландаги 25 минг сўмлик ўрнига 30—31 минг сўмлик қурилишмонтаж ишларини бажаришяпти. А. Турсунов, М. Мирзурсунова, А. Эргашев, О. Қўлдошев, А. Иброҳимов каби илғор бинокорлар коллектив ютуғига салмоқли ҳисса қўшишяпти.

Шунингдек, В. Кокошинский бошлиқ комплекс бригада азаматлари ҳам ўзаро меҳнат беллашувида бўш келишмаяпти.

Бу учала коллектив Улуғ Октябрь байрами шарафига зиммага олган мажбуриятларини муддатидан илгари адо этишди.

С. СУЛТОНОВ.

БЎЛАЖАК МЕХАНИЗАТОРЛАР

Собит Муқонов номли 1-ўрта мактабда бир неча йилдан буён битирувчиларга касбҳунар ўргатиш тажрибаси қўлланмоқда.

Юқори синф ўқувчилари етуклик аттестати билан бирга тракторчилик ва слесарлик гувоҳномасини ҳам олишади.

Коммунистик районидаги К. Маркс номли колхоз правлениеси бўлажак механизаторларга иккита трактор ажратди. Бу ҳозирги пайтда ҳунар ўрганаётган 102 нафар ёшга назарий билимларини практика билан боғлашга имкон бермоқда.

ПЕШТАХТАЛАРДА ГУЛЛАР

Пойтахтимизнинг Сергели районида жойлашган «Йўлдош» шаҳарча куни сайин кенгайиб бормоқда.

Қурилаётган янги-янги маъмурий ва маданий-маиший биноларнинг шаҳарчанинг кўркига-кўрк қўшмоқда.

Яқинда бу ерда «Тошкент гуллари» фирмасига қарашли 10-гул магазини иш бошлади. Турли хил анвойи ва қирмизи гуллар магазин пештахталарини безаб турибди.

Магазин дастлабки кунданоқ харидорлар билан гавжум бўлмоқда.

КОНСЕРВАЧИЛАР ТУҲФАСИ

Улуғ Октябрь байрами дастурхонини Янгийўл районидаги Усмон Юсупов номли ишлаб чиқариш-аграр бирлашмасига қарашли консерва заводида тайёрланган турли ноз-неъматлар ҳам безайди. Ҳозир бу ерда 46 хил маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Улардан 7 хилига давлат «Сифат» белгиси берилган.

Завод коллективи янги-янги консервалар ишлаб чиқаришни ўзлаштиряпти. Шу йилнинг ўзида савдо тармоқларига қовундан тайёрланган қиём ва мураббодан 28 минг шартли банкаси жўнатилди. Бу янги маҳсулот харидорларга манзур бўлди. Шунингдек, корхонада ошқовоқ ичимлиги тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди.

Бу ерда ишлаб чиқарилаётган консервалардан Сибирь ва Узоқ Шарқ аҳолиси ҳам баҳраманд бўлаётирлар. Завод ишчи-хизматчилари шу йил бошидан бери 44,5 миллион шартли банка консерва тайёрладилар.

«АФСОНАГА АЙЛАНГАН ҚИЗ»

Улуғ Октябрнинг 63 йиллигига ўзбек киночилари муносиб совға ҳозирладилар. Улар «Афсонага айланган қиз» деб номланган тарихий фильмни суратга олишни тугатишди. Фильм воқеалари Шаҳрисабз ва Бухоро шаҳарларида бўлиб ўтади. Бу ерларда 1917—1918 йилларда бўлган воқеалар кинолентада ўзининг бадиий ифодасини топган.

Асар бош қаҳрамони Майна Ҳасанова аввалига миллион-миллион ўзбек аёллари сингари саводсиз, ўз эрки ва ҳақ-ҳуқуқига эга бўлмаган итоаткор, мўлойим, беозор қиз сифатида гавдаланади. Ў жуда гўзал ва соҳибжамол. Лекин Майнанинг ҳусни Бухоро амири яқинларидан бирининг қафасида сўна бошлайди.

Фильмнинг иккинчи ярмида Майна Ҳасанова совет армиясининг жангчиси, разведкачилар командири сифатида босмачиларга қарши курашади. Лекин, у ҳали кўпгина оғир дамларни бошидан кечириши керак.

Бош қаҳрамон Майна Ҳасанова образини артистка Шоира Турсунбоева яратган. Шунингдек, томошабинлар фильмда Зикир Муҳаммаджонов, Ҳамидулла Нариманов, Ҳамза Умаров, Жавлон Ҳамроев, Анвара Алимова каби таниқли артистларни кўрадилар. Фильм режиссёрлар Акмал Акбархўжаев ва Юрий Бозоровлар раҳбарлигида ишланди. Сценарий автори Артур Макаров. Картина музикаларини Р. Вильданов басталаган.

Ш. ҲИДОЯТОВ.

ОБУНАЧИЛАР МАМНУН

Маҳкамбой Эгамбердиев 12 йилдан буён Жамбул номли колхоз марказидаги «Большевик» алоқа бўлимига бошчилик қилади. У обуначиларга хизмат кўрсатишни янада яхшилаш, хат-хабарлар, газета-журналларни эгаларига ўз вақтида етказиб бериш учун сидқидилдан меҳнат қилмоқда.

Тажрибали алоқачи ходими бошчилик қилган колхозчилар, зиёлилар ва бошқа турли касб эгаларидан обуна қабул қилишни ҳам муваффақиятли якунлади. Ҳаммаси бўлиб 6200 сўмликдан зиёд обуна қабул қилинди.

И. НЕЪМАТОВ,
Оржоникидзе райони.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ОКТЯБРЬ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНДИ

ПНОМПЕНЬ, 6 ноябрь. (ТАСС). Бу ерда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллигига бағишланган кино ҳафталиги бошланди. Кампучия тошшабинлари совет давлатининг тарихи, совет халқи социалистик ғалабаларини ҳимоя қилиш учун олиб борган кураш, коммунизм қурилишида СССР эришган муваффақиятлар тўғрисида ҳикоя қилувчи фильмларни кўрадилар.

ШАРТНОМА РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИНДИ

ДАМАШҚ, 5 ноябрь. (ТАСС). Сурия Араб Республикасининг Президенти Ҳафиз Асад шу йил 8 октябрь куни Москвада имзоланган СССР билан САР ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани ратификация қилиш ҳақидаги қонунни бугун имзолади.

Шундан аввалги куни САР халқ кенгаши (парламенти) шартномани ратификация қилиш учун якдиллик билан овоз берганлиги хабар қилинган эди.

МАЛИ ДИЕРИДА САМИМИЙ УЧРАШУВЛАР

БАМАКО, 5 ноябрь. (ТАСС). Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллиги муносабати билан Мали республикаси пойтахтида Ўзбекистон иштирокида Совет Иттифоқи кунлари бошланди. Бамако аҳолиси СССРдан келган меҳмонларни — чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа совет жамиятлари союзининг Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раиси ўринбосари Р. Ҳ. Абдуллаева бошлиқ делегациясини, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети секретари Б. Дауланов бошлиқ совет ёшлари делегациясини меҳмондўстлик билан кутиб олди.

Делегациялар билан бирга ўзбек артистларининг катта бир группаси Бамакога келди. Улар малиликларни ўз республикасининг санъати билан таништирадилар.

БАЙРАМ ОЛДИ СОВҒАСИ

УЛАН-БАТОР, 6 ноябрь. (ТАСС). Монголия пойтахтининг Октябрь районида очилган янги болалар комбинати кичик уланбаторликлар учун байрамолди совғаси бўлди. Болалар комбинатини қуриш учун маблағни МХР болалар фонди ажратди. Комбинат республиканинг турли шаҳарлари ва аймоқларида ана шу ташкилот маблағи ҳисобига кейинги йилларда қурилган 32 болалар муассасасидир.

ИШСИЗЛАР КЎПАЙМОҚДА

ҒАРБИЙ БЕРЛИН, 6 ноябрь. (ТАСС). Расмий маълумотларга кўра, шу йил октябрь ойининг охирида шаҳарда 32.640 ишсиз бор эди. Бу эса сентябрь ойининг охиридагига нисбатан 2.152 киши кўпдир. Бу — Ғарбий Берлиндаги ишга яроқли бутун аҳолининг 4,1 процентини ташкил этади. Бултур «ортиқча кишилар» 3,6 процент эди. Шаҳар экономикасининг асосий тармоқларида — электр техника ва машинасозлик саноати корхоналарида ишсиз қолган кишилар айниқса кўпайди.

Шу давр ичида «қисқартирилган график» асосида ишлаётган меҳнаткашлар сони, яъни қисман ишсизлар сони икки баравар кўпайди.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

7 НОЯБРЬ СОАТ 15.00 ВА 19.00 да

Норвегия бўйлаб гастролда қатнашган

ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТ УСТАЛАРИНИНГ

ҲИСОБОТ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган Давлат халқ рақс «БАҲОР» АНСАМБЛИ

Ўзбекистон ССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреати Қаҳрамон ДАДАЕВ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти ва Гаванада бўлиб ўтган XI Жаҳон фестивалининг лауреати Маъмура ЭРГАШЕВА

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва СССР Давлат мукофотининг лауреати Бахтиёр АЛИЕВ.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Хайрулла ЛУТФУЛЛАЕВ, Гулчеҳра ФОЗИЛЖОНОВА, Угилой САИДОВА, Насиба МАДРАҲИМОВА, Раббим ҲАМДАМОВ.

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреатлари: Дилбар ЮНУСОВА, Гулсум ҲАМРОЕВА, Филруда НИЗОМИДДИНОВА, Талъат САИФИДДИНОВ.

Солистлар: Ғуломжон ЁҚУБОВ, Аҳмаджон ШУКУРОВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Программани — Гулчеҳра ФОЗИЛЖОНОВА олиб боради.

«БАҲОР» ансамблининг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери — Ўзбекистон ССР халқ артисти Қундуз МИРКАРИМОВА.

Музика раҳбари — Музаффар МУҲАМЕДОВ.

БИЛЕТЛАР СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИ КАССАСИДА СОАТ 14.00 ДАН СОТИЛАДИ.

М. Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

8 НОЯБРЬ СОАТ 15.00 ВА 19.00 да

КАТТА БАЙРАМ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Қувондиқ ИСКАНДАРОВ, Шариф СУЛТОНОВ, Мўътабар ЙЎЛДОШЕВА.

СОЛИСТЛАР:

Фахриддин УМАРОВ.

Ҳожиакбар ҲАМИДОВ, Нуржаҳон САТТОРОВА, Гулчеҳра ИСМОИЛОВА, Муҳаббат КУБАНОВА, Роза КАРИМОВА, Ражаб ИСМОИЛОВ, Отамурод ҲОЖИЕВ, Ойхон ЁҚУБОВА, Таваккал ТУРСУНОВА.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Программани — Утқир СИДДИҚОВ олиб боради.

«БАҲОР» КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

8 НОЯБРЬ СОАТ 12.00 ВА 16.00 да

МУКАРРАМА ТУРҒУНБОЕВА НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ДАВЛАТ «БАҲОР» ХАЛҚ РАҚС АНСАМБЛИНИНГ

БАЙРАМ КОНЦЕРТЛАРИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреати Қ. ДАДАЕВ.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, СССР Давлат мукофотининг лауреати Б. АЛИЕВ.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Маъмура ЭРГАШЕВА.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Хайрулла ЛУТФУЛЛАЕВ, Р. ҲАМДАМОВ, Г. ФОЗИЛЖОНОВА, У. САИДОВА, Н. МАДРАҲИМОВА.

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреатлари: Г. ҲАМРОЕВА, Д. ЮНУСОВА, Ф. НИЗОМУДДИНОВА, Т. САИФУДДИНОВ.

Солист Аҳмаджон ШУКУРОВ ва бошқалар.

Ансамблнинг бадиий раҳбари — Ўзбекистон ССР халқ артисти Қундуз МИРКАРИМОВА.

Музика раҳбари — М. МУҲАМЕДОВ.

Касса соат 10.00 дан очиқ.

М. Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

9 НОЯБРЬ СОАТ 15.00 ВА 19.00 ДА

Бутуниттифоқ профессионал бадиий коллективлар кўриги—конкурсининг лауреати

ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС «ШОДЛИК» АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Дилбар ФАЙЗОВА.

Солистлар: Ғулом ЁҚУБОВ, Ҳотам Ҳожиев, Бахтиёр ҲОЛҲУЖАЕВ, Дилором ҚАЮМОВА, Райхон АБДУЛЛАЕВА, Карима ТОПИЛОВА, Нарзиддин ШЕРМАТОВ ва бошқалар.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Программани — Утқир СИДДИҚОВ олиб боради.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.50 — Кино кўрсатув. 10.05 — Революция қушиқлари. 10.45 — Инсон. Ер. Коинот. 11.30 — Улуғ Октябрь. 12.05 — СССР халқларининг қўшиқлари ва рақслари. 12.45 — Москва. Қизил Майдон. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллигига бағишланган ҳарбий парад ва меҳнаткашлар намойиши. 15.30 — Лиля, Руслан ва унинг дўсти Саня. Бадиий фильм. 16.35 — Цирк майдонида. 17.10 — Октябрь. Бадиий фильм. 18.50 — Голубой огонёк. 21.30 — Время ва информацион программаси.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I

9.45 — Тошкент тонги. 9.55 — Тошкент. В. И. Ленин номли майдондан Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллигига бағишланган ҳарбий парад ва меҳнаткашлар намойиши олиб кўрсатилади. 12.45 — Москва. Қизил майдондан Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллигига бағишланган ҳарбий парад ва меҳнаткашлар намойиши кўрсатилади. 18.05 — Болалар учун мультфильм. 18.20 — Байрам концерти. 19.00 — Ҳужжатли фильм. 19.15 — Фильм-концерт. 19.50 — Ахборот. 20.30 — Табрикларимизни қабул этинг. Байрам музикали программаси. 21.30 — Время. 22.45 — Табрикларимизни қабул этинг. Концерт давоми.

II

20.05 — Қўғирчоқ фильм. 21.05 — Революция поэмалари. 21.45 — Телефильм. 22.15 — Совет Иттифоқи элчиси. Бадиий фильм.

«Тошкент ҳақиқати» газетаси редакцияси коллективи редакция ходими З. Жўраевага қизи

ГУЛБАҲОРнинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор қилади.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь —334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат—325767; совет қурилиши — 325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553; фотомухбир — 325894.

Р. 03345. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64833. Б. 1725. 11